

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O`RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

Qo`lyozma huquqida

UDK

Barnoeva Zarina Sayfiddinovna

**XVII-XIX ASR NAZMIDA FONETIK HODISALAR VA FONETIK
QONUNYATLAR**

5A120102-Lingvistika (o`zbek tilshunosligi)

Magistr

akademik darajasini olish uchun yozilgan

DISSERTATSIYA

Ilmiy rahbar:

filologiya fanlari nomzodi,

dotsent Yo. Saidov

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА АННОТАЦИЯ

XVII-XIX асрда яратилган ёзма манбаларнинг фонетик хусусияти яхлит ўрганилмаганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

XVII-XIX асрда яратилган ёзма ёдгорликлар фонетикасини илмий тавсиф ва таҳлил қилиш тадқиқотнинг мақсадини ташкил этади.

Вазифалари:

- XVII-XIX аср ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тил ўзгаришига таъсирини аниқлаш;
- XVII-IX аср назмий асарлари фонетик хусусиятига кўра тасниф қилиш;
- давр ёзма ёдгорликлари лингвопоэтик умумий хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатларни таҳлил қилиш;

Объекти: XVII-XIX асрда яшаб ижод этган намояндалар назмий асарлари фонетикаси.

Предмети. XVII-XIX аср ёзма ёдгорликлари фонетикасининг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

Иш қиёсий-тарихий, қиёсий, тавсифий ёндашув усуллари асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- XVII-XIX асрда яратилган назмий ёдгорликлар фонетикаси талқин этилди;
- истиқлол йилларида яратилган илмий ишлар қиёсий ўрганилди

Тақиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация материаллари фонетика соҳаси бўйича ўқиладиган маъруза, амалий машғулотлар ва радио-телевидениеда олиб борилаётган эшшителириш, кўрсатувлар учун муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, бакалавриатура ва магистратура йўналишларида мустақил ишларни бажаришда зарур материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари илмий тўпламларда эълон қилинган жами 3 та

мақолада ўз ифодасини топган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, уч боб, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 72 бет. Тадқиқотда 96 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

Annatation of master thesis

The difficulty of research is seen in 17-19 centuries when character of written work were not fully studied.

The aim of research is to learn the phonetics of written works created in 17-19 centuries. The duty is: to study the influence of political life to the language difference.

The object is: the phonetic of works written by poets lived in 17-19 centuries.

The importance and apply. This work helps us to learn the semantic role of adjectives.

Objects: learning of the phonetics of written memory in uzbek language development. This analysis is provided by Love, historic and recommendation aspects. The news of researches. The poetic poems which were created in 17 19 centuries . Researches are organised in comparing ways in independence days. Thesis work is accounted as a significant source, etc lecture in phonetic sphere, in practical branches of radio and television shows.

The practical side is to make dictionaries and to do monographes.

Many articles were published in (Filologiya masalalari) in 2013-2014.

There was reports about it.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1–БОБ. ДАВР (XVII-XIX АСР) ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАСНИФИ.....	11
1.1. Давр адиблари ижодининг филологик ўрганилиши.....	11
1.2. Давр назмий асарларида фонетик ҳодисалар ва фонетик қонуниятлар тушунчаси.....	27
2-БОБ. XVII-XIX АСР ЛИРИКАСИДА ФОНЕТИК ҲОДИСАЛАР.....	40
2.1. Давр назмий асарларда турли товуш ўзгаришлари.....	40
А) товуш алмашиши.....	44
Б) товуш тушуши.....	46
В) товуш ўрин алмашиши.....	48
2.2. Тақлидчилик.....	48
3-БОБ. XVII-XIX АСР ЛИРИКАСИДА ФОНЕТИК ҚОНУНИЯТЛАР.....	51
3.1. Давр назмий асарларида товушлар мос келиши.....	51
3.2. Давр асарларида қофия унсурлари.....	56
3.3. Давр лирикасида сингармонизм қонунияти.....	58
А) лаб гармонияси.....	61
Б) танглай гармонияси.....	62
В) Жарангли\жарангсизлик гармонияси.....	63
3.4. Аруз вазни талаблари.....	64
3.5. Пайравлик.....	67
ХУЛОСА.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллигимизнинг маънавий пойдеворига асос бўлган “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ўзбек тилининг мавқеини тиклашга, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тўла амал қилишига катта имкон яратган бўлса, истиқлол шароитида бу имкониятлар кўлами янада кенгайди. “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

Миллий ғоя ва мафкура омма онгига сингиб, ҳаракатлантирувчи ва сафарбар этувчи кучга айланаётган бугунги кунда миллий тил ўзгача аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Жамиики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”².

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач ўзбек халқи тарихи ва маънавий меросига ҳолисона баҳо берилди. Шу нуқтаи назардан олимлар, хусусан, тилшунослар зиммасига катта масъулият юклади. Ўтган асрлар ёзма ёдгорликларининг тил хусусиятини, хусусан, фонетик бирликлари ва уларнинг таркибини ўрганиш, ёш авлодга етказиш тил тарихи фанини чуқур билган тилшунос олимларимиз олдида турган вазифалардан бири бўлиб қолди.

Эски ўзбек ёзма ёдгорликлари тилининг ўрганилишига назар ташланса, XVII-XIX асрда³ яратилган ёзма манбаларнинг фонетик хусусияти яхлит ўрганилмаганлининг гувоҳи бўлиш мумкин. Соддароқ қилиб айтганда, турли фонетик бирликлар ҳар хил атама ва тушунчалар остида ўрганилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.137.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б. 83.

³Бундан буён диссертацияда “XVII-XIX аср” ҳақида сўз юритилганда ишда қулайлик яратиш мақсадида “давр” сўзи ҳам қўлланилади. Шунингдек, ишда бериладиган мисоллар давр намояндаларининг кирилл алифбосида нашр қилинган нусхаларидан олинган. Кичкина қавс ичида берилган рақамлар ушбу манбанинг бетини кўрсатади.

Ушбу илмий иш объекти ҳисобланган даврда шайбонийлар сиёсати, ўлкамизнинг уч хонликка бўлиниб кетиши турли салбий таъсирини кўрсатди. XVII-XIX асрда Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати, хонликлардаги адабий муҳит ва унинг намояндалари, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тил ўзгаришига таъсири масаласи тилшуносликнинг ажралмас қисмидир. Бу давр тилининг ижтимоий-тарихий моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини аввалги давр билан ўзаро алоқадорлигини ўрганишни ҳаётий-амалий эҳтиёжга айлантирмоқда. Шу билан бир қаторда, хонликлардаги адабий муҳит намояндалари ва улар ижоди олимлар томонидан қай йўсинда талқин этилганини ўрганиш натижалари миллий мафкура тамойили талабларига жавоб берадиган “Ўзбек тили тарихи”, “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг янги давр талабларига жавоб берадиган наشري учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ёзма ёдгорликларни ўрганиш нафақат халқ тарихида муҳим аҳамиятга эга, балки у ижтимоий фанлар, жумладан, тилшунослик учун бой материал беради. Ўзбек тили ёзма ёдгорликлари ўрганишга хорижлик тадқиқотчилар қадимдан алоҳида қизиқиш билан қараганлар ва салмоқли тадқиқотлар яратганлар⁴. Тилшунослигимизда тарихий морфология, тарихий синтаксис соҳасида амалга оширилган ишлар қаторига С.М.Муталлибов, А.К.Боровков, Ш.Файзуллаеваларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин⁵, ёзма ёдгорликлар

⁴Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. - М.- Л., 1951; Кононов А.Н. Сочинения Абу-л-Гази хана хивинского, как источники туркмен и как памятник узбекской литературы и языка // Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня 1957 года. - Т., 1958. - С.906-911; Он же. История изучения тюркских языков в России. До октябрьский период. - Л., 1972; Он же. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана Хивинского - М.-Л., 1958; Лексика тюркских языков. Историческое развитие лексики тюркских языков. - М., 1961; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. - М., 1964; Наджип Э.Н. «Хосрау и Ширин» Кутба и его язык // Тюркологический сборник. К шестидеятилетию А.Н.Кононова. - М., 1966. -С. 80-91; Гурбанов З.Г. Лексика азербайджанского литературного языка XVII века: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. - Т., 1972; Наджип Э.Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века: На материале «Хосрау и Ширин» Кутба. Книга 1. - М., 1979; Он же. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв. - М., 1989; Сагиндилов Б. Сравнительный анализ лексики тюркоязычных памятников XIV века: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. -Алма-Ата, 1977 и др.

⁵ Қаранг: Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. -Т., 1959; Боровков А.К. Очерки по истории узбекского языка // Советское востоковедение: вып. V. - М.-Л., 1948. -С. 229-250;

лексик хусусиятлари Б.Бафоев, Ҳ.Дадабоев, Т.Жумаев, Р.Зоҳидов, А.Ибрагимов, Х.Маҳаммадалиев, С.Рустамов, З.Холмонова, З.Ҳамидов, каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилди⁶. Ўзбек тили тараққиётида ўзига хос аҳамиятга молик бу давр адибларининг асарлари фонетик хусусиятлари Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Б.Тўйчибоев, Ҳ.Неъматов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган⁷. Лекин фонетик ҳодиса ва қонунятлар соҳасида умумлаштириш ишига қўл урилмаган. Шунинг учун уч хонлик даври адабий тили фонетикаси қонуняти ва ҳодисаларининг умумий тавсифи ва яхлит таҳлили муаммо сифатида ўз ечимини кутмоқда.

Тадқиқотнинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси БухДУ ўзбек филологияси кафедраси йиғилишининг 2012 йил 26 ноябрдаги мажлиси (4-сонли баённома)да тасдиқланган. Тадқиқот БухДУ ўзбек филологияси кафедрасида ўрганилаётган «Тил тарихи ва миллий–маънавий қадриятлар» истиқболли режаси асосида амалга оширилган.

Файзуллаева Ш.А. Исследование языка памятника XIV в. «Китабу булғат ал муштак фи лугат ат турк ва-л кифчак» Джамал-ад-дина ат турки (грамматика, лексика, глоссарий и перевод памятника): Автореф. дис. ...канд. филол. наук. - Т., 1969; Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. –Т.:Фан, 1977; Неъматов Ҳ.Ғ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. ва бошқ.

⁶Қаранг: Ҳамитов З. Лексико-семантические и лингвопоэтические исследование языка “Лисан ут-тайр” Алишер Навои: Автореф.дис...канд. филол. Наук. –Т., 1982; Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навоий: Автореф. дисс. ... докт. филол.наук. - Т., 1989; Ҳ.Дадабоев, З.Ҳамидов, З.Холмонова. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Т.: Фан., 2007; Рустамова С. Маҳмуд Кошғарий лугатининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1999; Зоҳидов Р. “Сабот ул-оғизин” асари лексикаси: Филол. фан. ном. ... автореф. -Т., 2001; Мамадалиев Х. “Ғиёс-ул-лугат” ва ундаги туркий қатлам: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1998; Холмонова З. “Шайбонийхон” достони лексикаси : Филол. фан. ном. ... диссер. – Т., 1998; Ўша муаллиф. “Бобурнома” лексикаси. – Т.: Фан., 2007; Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. –Т., 2000; Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“Девон”, “Мубаййин”, “Аруз”): Филол. фан. докт. ... автореф. – Т., 2008 ва бошқ. Умаров Э. “Бадаи-ал-лугат” и “Санглах” как лексикографический памятник и источники изучения староузбекского языка XV-XVIII в.в.: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Т., 1989; Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Т., 1989 Ахматов Н. Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” асари лексикаси: Филол. фан.. ном. ... диссер. –Т., 1991; Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатлами: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1997; Жумаев Т. “Умар Боқий” асарларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т., 1998; Турдибеков М.Т. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси: Филол. фан. ном. диссер. –Т., 2000; ⁶Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодурхон “Шажарайи турк” асарининг лексик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т.

⁷ Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тили тарихий грамматикаси. –Т., 2008; Б.Тўйчибоев. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Т., “Ўқитувчи” 1996; Ҳ.Неъматов. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Т., 1992.

Тадқиқотнинг мақсади. XVII-XIX асрда яратилган ёзма ёдгорликлар фонетикасини замонавий фан ютуқларига мувофиқ илмий тавсиф ва таҳлил қилиш, эски ва ҳозирги ўзбек тили фонетик муносабатини аниқлаш ҳамда фонетик ҳодиса ва қонуниятларни фарқлаш тадқиқотнинг мақсадини ташкил этади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- XVII-XIX аср ижтимоий-сиёсий воқеаларининг ўзбек тилига таъсири масалалари ўрганиш;
- XVII-XIX асрларда яратилган назмий асарларни фонетик хусусиятига кўра таснифлаш;
- давр ёзма ёдгорликлари анъанавий фонетикасининг қонуниятларнинг тил сатҳлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш;
- давр ёзма ёдгорликлари фонетикасини лингвопоэтик аспектда таҳлил этиш;

Тадқиқот объекти. XVII-XIX асрда яшаб ижод этган намояндалар назмий асарлари фонетикаси.

Тадқиқот предмети. XVII-XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тил ривожланишига таъсири, давр ёзма ёдгорликлари фонетикасининг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш тадқиқот предмети ташкил қилади.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида баён этилган концептуал хулосалар, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига доир манбалар, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Ҳ.Неъматов, Б.Тўйчибоев, А.Нурмонов, Э.Умаров каби олимнинг соҳага оид фундаментал тадқиқотлари ишнинг методологик асосини ташкил қилади.

Тадқиқот иши қиёсий-тарихий, қиёсий, тавсифий ёндашув усуллари асосида олиб борилди.

Тадқиқотнинг гипотезаси. XVII-XIX аср ўзбек тили ёзма ёдгорликлари фонетик хусусиятларининг илмий таҳлили тил тарихининг атрофлича тасниф қилишида асосий омил бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- XVII-XIX асрда яратилган назмий ёдгорликлар фонетикаси яхлит тарзда талқин этишга ҳаракат қилинди;

- давр намояндалари ва улар асарларининг ўрганилиши бугунги кун талаб ва ҳолатларидан келиб чиқиб, мустақилликкача ва истиқлол йилларида яратилган илмий ишлар қиёсий ўрганилиб, алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилди;

- давр фонетикасидаги лингаопоэтик шакллар, уларнинг XVII-XIX асрлар ўзбек адабий тили тараққиётида тутган ўрни белгиланди;

- ўрганилаётган даврда яратилган ёзма ёдгорликлар фонетик хусусияти, бадиий-эстетик функцияси тилшуносликнинг замонавий методлари асосида таҳлил этилди;

- бу давр фонетикасини яхлитликда олиш уларнинг таҳлили фонетик ҳодисалар ва фонетик қонунлар сифатида иккига бўлиб ўрганишга эрилишди;

- Тадқиқот объекти бўлган давр назми фонетикасида ўзига хос бадиий тасвир ва ифода воситаларининг манбалари топилгани, бу ҳазина вазифасини аруз, қофия, бадиий санъатлари бажаргани таҳлил қилинди.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқот манбалари сифатида XVII-XIX асрда яшаб ижод қилган намояндаларнинг кирилл алифбосида нашр қилинган асарларидан фойдаланилди. Улар қаторида Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Паҳлавонқули Равнақ, Роқим, Муҳаммадниёз Нишотий, Хувайдо, Маҳзуна, Ғозий, Махмур, Гулҳаний, Увайсий, Нодира,

Нодир, Узлат, Мужрим Обид, Мунис, Огахий, Хиромий асарларини қайд этиш мумкин⁸.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда катта давр ҳаётини қамраб олган кўпгина манба ва адабиётларнинг мустақиллик шарофати билан чоп этилиши, муомалага киритилиши, натижада уларни ҳар томонлама ўрганишга имконият яратилгани тадқиқ этилаётган масалалар моҳиятини чуқурроқ англаб етиш, ёш авлодга ўргатиш учун хизмат қилади. Диссертация материаллари фонетика соҳаси бўйича ўқиладиган маъруза, амалий машғулотлар ва радио-телевидениеда олиб борилаётган эшиттириш, кўрсатувлар учун муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, бакалавриатура ва магистратура йўналишларида мустақил ишларни бажаришда зарур материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XVII-XIX асрда яратилган назмий асарлар фонетик хусусиятларини ўрганишга бағишланган ушбу тадқиқот бўйича мақолалар чоп этилган, ишнинг асосий хулосалари илмий анжуманда маъруза қилинган.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Иш БухДУ ўзбек филологияси кафедрасида муҳокама қилиниб (14.05.2014й.), ҳимояга тавсия этилган.

Диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари илмий тўпламларда эълон қилинган жами 3 та мақолада ўзифодасини топган.

⁸Қаранг: Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Учинчи том. ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, –Т., 1959; Ўзбек шоирлари. Т.Жалилов томонидан нашрга тайёрланган шеърлар тўплами. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Турди Фароғий. А.Х.Ҳайитметов томонидан нашрга тайёрланган шеърлар тўплами. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971; Boborahim Mashrab. Dilim daryoi nurdur. Tanlangan sherlar. G‘.G‘ulom nomidagi nashryot-matbaa ijodiy uyi. –Т., 2004; Роқим. Танланган асарлар. –Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1965; Нишотий. Хусн ва дил. Лирика. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967; Хувайдо. Танланган асарлар, Тошкент, 1961; Маҳзуна. Ўзбек поэзиясининг антологияси. –Тошкент, 1948. 3-китоб; А.Қаюмов. Ғозий. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959; Махмур. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1951; Гулҳаний. Зарбулмасал ва ғазаллар. –Т.: Ўзадабийнашр, 1958; Увайсий. Девон. –Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963; Нодира. Асарлар. 2 жилд. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1958; Нодир. Ҳафт гулшан. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1961; Мужрим-Обид. Ғазаллар. –Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960; Мунис. Девон. Сайланма. –Т., Ғ.Ю., 1972.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, уч боб, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 72 бет. Тадқиқотда 96 та манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

1–БОБ. ДАВР (XVII-XIX АСР) ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

1.1. Давр адаблари ижодининг филологик ўрганилиши

XVII-XIX асрлар оралиғида ўзбек адабий тили ўзининг ривожланиш, юксалиш жараёнида жуда мураккаб йўлни босиб ўтди. Шу боис давр тили, унинг тарихий, адабий ёзма манбаларини тадқиқ этиш, илмий маърифий, маънавий қийматини белгилаш, турли услубларда яратилган бадиий асарлар тил хусусиятларини ўрганиш тилшуносликнинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Давр ёзма манбалари тилини фонетик, лексик, грамматик тизимига хос тараққиёт жараёнини аниқлаш зарурлиги ҳар жиҳатдан сезилади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида яратилган адабий асарлар тил жиҳатидан анча мураккаб ва хилма-хилдир. Чунки, бу асарлар тилининг асосини, бир томондан, XVI- XVII асрлар эски ўзбек тили анъанаси ташкил этган бўлса, иккинчи томондан, халқнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй берган кучли танглик тилда ҳам ўз аксини топган.

Ҳар бир шоир ёки ёзувчининг ижодий мероси, унинг тили у яшаган давр, тарихий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир ижодкор ижодий фаолияти, унинг тилдан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш, энг аввало, ўша муҳит билан танишишни тақозо этади. Бошқача айтганда, санъаткорининг ижодини ўрганишда тарихийлик принципига амал қилиш лозим бўлади. Шундай экан, биз ҳам ўрганилаётган даврдаги тарихий вазиятнинг умумий хусусиятларини қайд этиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўрта аср жамиятига хос ерларнинг тарқоқлиги ҳокимиятнинг сусайиши, XVI асрнинг 40-50 йиллари Шайбонийлар сулоласи мавқеининг пасайишига олиб келди. Шундай мураккаб вазиятда тарих саҳнига Абдуллахон II чиқади, у Амир Темурдан сўнг Дашти қипчоққа нисбатан қатъий сиёсат юргиза

олган, Жуйбор шайхларидан Хўжа Ислоннинг кўмагида Шайбонийлар давлати ҳудудини бирлаштириш ва ҳокимиятни марказлаштиришга қаратилган узоқ ва машаққатли сиёсатни амалга оширишга муваффақ бўлган ягона ва сўнгги давлат арбоби ҳисобланади.

Кўрилаётган даврда 240 йиллик улкан тарихий тараққиёт йўлига эга ўзбек давлатчилигида бўлиниш, тарқоқлик ҳолати кўзга яққол ташланади. Бир сўз билан айтганда, миллат ва жамият бошқарувига даъвогар ҳокимият уч ерда – Бухоро, Хива, Қўқонда алоҳида-алоҳида мужассамлашганди, мамлакатда уч ҳокимиятчилик ғолиб келган эди⁹. Натижада Бухорода манғитлар, Хивада қўнғиротлар, Қўқонда эса минглар деб номланувчи сулолалар мустақил сиёсий фаолият юритдилар. Бу давр давлатчилигимиз тарихидаги салбий омиллардан бири - бу ягона давлатнинг бир неча мустақил сиёсий бўлакларга бўлиниб кетиши билан белгиланади¹⁰. Гарчи ушбу тартиб, асосан, XVIII асрдан бошлаб яққол тарзда амалий кўринишга эга бўлса-да, аммо унинг илдизларини, энг аввало, бизда “давлатни миллийлик белгисига қараб ташкил этиш анъаналари”¹¹ шаклланмаганидан, қолаверса, шайбонийлар ҳукмронлиги йилларидаги кўш ҳокимиятчилик ҳолатидан, XV-XIX асрларда кучайиб борган уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик каби иллатлардан қидириш керак.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг уч марказида – Бухоро, Хива, Қўқонда маданият, илм-фан ҳомийлари тўпланган бўлиб, улар алоҳида-алоҳида адабий муҳитни ташкил этар эди. Адабиётшунос олим И.Сувонқулов таъкидлаганидек, «катта бир халқ – ўзбек элига мансуб бўлган бу адабиёт уч хонлик шароитида турли ҳукмдорга тобе бўлган жойда ривожланган бўлса ҳам, уларнинг тарихий-миллий қиёфасини, услубий оҳангдошлигини, ғоявий-назарий бир бутунлигини сақлаб қола олди»¹².

⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Шарқ. 2001. 280-бет

¹⁰ Қаранг: Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Шарқ. 2001.

¹¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 101

¹² Сувонқулов И. Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари: Филол.фан.док. ... дис. автореф. –Т., 1997. –Б. 8.

Адабиётшунос олим Н.Жумахўжа ўз тадқиқотида «адабий муҳит» ва «адабий мактаб» тушунчасига холисона баҳо бериб, адабиётшуносликнинг ушбу соҳасини ўрганаётган тадқиқотчиларни тўғри йўлдан боришга ундайди¹³.

Тадқиқот олдига қўйилган мақсадни амалга оширишда, айниқса, ўша даврда яшаган ижодкорлар асарлари тили асосий манбадир. Чунки ҳар бир ёзувчи ёки шоир ўзи яшаётган давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда яшайди.

Давр адабий тили жойларда маҳаллий шеваларга хос сўзлар ҳисобига бойий бошлади. Ушбу ҳолатни ўша даврда яратилган адабий, тарихий, шунингдек, тазкиралар тилида кузатиш мумкин. Бадииятда маънодош, шаклдош сўзлардан унумли фойдаланиш, ўзга тиллардан сўз қабул қилиш, ўринли ишлата олиш, бадий воситалар асосида яширин маъноларга ишора қилиш, муаммоли сўз ўйинлари ўз аксини топди.

Адабий оқимларнинг бири ҳукмрон синф манфаатларини кўзлаб, уларнинг сиёсатини кўкларга кўтариб мақтаса, иккинчиси халқ томонида бўлган илғор-танқиднавислик тенденциядаги адабиётни вужудга келтирган эди.

Жонли сўзлашув ва адабий тил ҳам икки хил тарзда шакллана бошлади. Сарой аъёнлари ерли аҳолидан фарқли равишда ўз она тилларини форс-тожик тилига алмаштиришга уриндилар. Натижада форс тожик тили зодагонлар ва оддий омма тили сифатида тарғиб қилина бошлади, зуллисонайнлик кенг ривожланди. Шунинг учун Кўқон адабий муҳити доирасида ижод қилган Гулханий, Машраб, Адо, Фазлий, Ғозий, Ҳозик, Увайсий, Нодира, Маъдан, Махмур ва бошқалар ҳар икки тилда ижод қилганлар. Шу тариқа давр адабий тили лексикаси кузатилар экан, унда араб, форс ва бошқа тиллардан ўзлашган қатлам сўзлари ҳам қайд этилди. Бу тилда Навоий анъанасини давом эттириш бўлса-да, бир қадар оддий

¹³ Қаранг: Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар): Филол. фан. док.... дисс. –Т., 1999. –Б. 28-41.

омманинг ёзма адабий ва тарихий манбаларни ўқиш жараёнида қийинчиликлар туғдирди, чунки баъзи арабий, форсий сўзларни луғатларсиз тушуниб бўлмас эди. Ушбу муаммони бартараф этиш, маънавий меросни кенг тарғиб қилиш мақсадида кўрилаётган даврда соф тилшуносликка оид махсус луғатлар тузила бошлангани миллий нутқ маданиятининг ривожланиш даври сифатида муҳим роль ўйнади.

XVII –XIX асрлар ўзбек адабий тили тараққиётида Хива хонлиги даври ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди. Бу даврда реал воқеа-ҳодисалар тафсилоти тарихини ёзиш ҳам йўлга қўйилган эди. Ўрта Осиё, жумладан, Хива хонлиги ҳудудида яшовчи тарихчилар тарих ва жуғрофияга доир асарлар яратдилар¹⁴.

Давр ўзбек адабий тили тарихини ўрганишда, унинг ички қонуниятларини таҳлил қилишда, албатта, ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг тилга маълум даражада таъсир этиши омиллари эътиборга олинади. Маълумки, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё ўз навбатида ҳар учала хонликлар бирин-кетин Россия тасарруфига ўта бошлади. Шу даврдан бошлаб рус маданияти, адабиёти ва тилининг ўзбек маданияти, тилига таъсири кучайиб борди. Рус ва маҳаллий аҳоли ўртасида иқтисодий, маданий алоқа боғланиши, объектив шарт-шароитларнинг таъсири натижасида ўзбек тилининг луғат таркибида ўзгариш рўй берди, рус тилидан янги сўзлар ўзлаша борди. Шунинг учун бу давр тили лексикаси кузатилганда ўзлашган қатлам лексикаси сифатида русча сўзлар ҳам қайд этилди¹⁵.

Бевосита XIX аср ўзбек адабий тили морфологияси тарихини тадқиқ этган олим А.Матғозиев «XIX аср – бу эски ўзбек тилининг сўнгги ва янги (ҳозирги замон) ўзбек тилининг бошланиш даври саналади. Бу даврда яратилган ёзма ёдгорликлар тилида, бир томондан, эски ўзбек тилининг олдинги даврларига хос лексик ва грамматик хусусиятлар сақланган бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги замон ўзбек тилига хос айрим сўз, форма ва

¹⁴ Қаранг: Турсунов У. Ўринбоев Б, Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 150-151.

¹⁵ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1988. –Б. 128.

конструкцияларнинг қўллаш бошланганлигини кўрамиз»¹⁶, - деган хулосага келади.

XVII–XIX аср таҳликали ва тарихда туб бурилиш ясаган бўлса ҳам, бу даврдан улкан маданий мерос қолди. Тадқиқ жараёнида мустақилликкача яратилган адабиётларда давр маданий меросини ўрганиш масаласини ўрганишга ҳукмрон мафкура нуқтаи назардан ёндашилганини кўрамиз. Буни Н.Жумахўжа ўзининг шу давр адабиётига бағишланган тадқиқотида батафсил ва чуқур, мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан таҳлил қилган¹⁷.

Собиқ шўро даврида беш жилддан иборат «Ўзбек адабиёти тарихи», Н.Маллаев, В.Абдуллаев, А.Қаюмов ва бошқа олимларнинг қатор тадқиқотлари¹⁸ ўзбек адабиётшунослиги тарихининг улкан ютуғи сифатида майдонга келди. Лекин ушбу ишлар коммунистик мафкуранинг қаттиқ назорати остида шаклланганди. Агар ҳозирги эркин тафаккур имконияти бўлганида, захматкаш олимлар бу тадқиқотларни, шубҳасиз, таркибан бой, сифат ва савия жиҳатидан янада юксак даражада амалга оширишга муяссар бўлган бўларди.

Масалага янгиланган давр талаби асосида ёндашган қатор олимларнинг илмий изланишлари натижаларини ҳам таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ¹⁹. Лекин бу тадқиқотларнинг барчаси муаммони ўрганишга адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашган. Кўрилаётган давр тили, лексикасининг умумий хусусиятлари, ўша вақтда яшаб ижод қилган намояндаларимиз асарларининг лексикасини ўрганиш бўйича комплекс

¹⁶Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. –Т.: Фан, 1977. –Б. 3.

¹⁷Қаранг: Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърини асосида): Филол. фан. докт.... дис. –Т., 1999. –Б. 5.

¹⁸Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик; Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 2- китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1980.

¹⁹Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Мунис ғазалиёти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Ўша муаллиф. Турдл назми бадиияти. –Т.: Халқ таълими маркази. 1994; Ўша муаллиф. Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти. –Т.:Маънавият маркази. 1995; Ўша муаллиф. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. –Т.: Фан, 1995; Ўша муаллиф. Адизова Н. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. –Т.: Ўзбекистон, 1995; Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.:Ўқитувчи, 1997.

тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу ўринда айрим ижодкорларнинг бирон бир асари лексикаси бўйича амалга оширилган тадқиқотларни қайд этиш мумкин²⁰.

Қўқон адабий муҳити вакиллари Ғозий, Жунайдулла Ислоншайх ўғли Хозик (Қўқон), Махмур ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича махсус тадқиқот олиб борилмаган, мақола доирасида ўрганилгани²¹ сабабли уларнинг биографиясига оид маълумот ҳам кам. Адабиёт тарихига оид асарларда фақат ушбу намояндаларнинг исми тилга олинган, холос.

Фазлий ўз тазкирасида Гулханий, Махмур каби халқчил шоирлар қатори замонасининг илғор фикрли ва зулличонайн шоирларидан бири бўлган Маъдан ҳақида гапириб, уни камситиб ўтади, объектив баҳо бермайди.

Маъдан ҳаёти ва ижодини илмий нуқтаи назардан Х.Мухторова ўрганган²². Диссертацияда Маъдан араб тилида ҳам ижод қилган маълумот келтирилади. Лекин ушбу илмий тадқиқот ҳам адабиётшунослик соҳасидаги изланишлар қаторига киради.

Муҳаммад Шариф Гулханий адиб сифатида ўзбек адабиёти ва тили тарихидагина эмас, миллий маданият, ижтимоий фикрлар тараққиётида ҳам сезиларли из қолдирган санъаткор ҳисобланади. Гулханий ҳақида маълумот берувчи тазкиралар ва адибнинг ғазаллари ўрин олган баёз, мажмуа анча, лекин улар шоир ҳаёти ва ижодини батафсил ёритиб бериш даражасида эмас.

²⁰Қаранг: Зоҳидов Р. “Сабот ул-оғизин” асари лексикаси: Филол. фан. ном. ... автореф. -Т., 2001; Маҳмадалиев Х. “Ғиёс-ул-лугат” ва ундаги туркий қатлам: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1998; Умаров Э. “Бадаи-ал-лугат” и “Санглах” как лексикографический памятник и источники изучения староузбекского языка XV-XVIII в.в.: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Т., 1989; Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатлами: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1997; Жумаев Т. “Умар Боқий” асарларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т., 1998; Турдибеков М.Т. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари ономастикаси: Филол. фан. ном. диссер. –Т., 2000; Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодурхон “Шажарайи турк” асарининг лексик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т.

²¹ Амиркулов С. Чунайдулло Хозик ва достони ў «Юсуф ва Зулайхо». – Душанбе, 1967.

²¹ Шодиев Э. Хозик куллийи // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1971. –№ 2.; Ўша муаллиф. Хозик ҳақида янги маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1972. –№ 1.

²² Мухторова Х. Маъданнинг ҳаёти ва адабий мероси: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1969.

Гулханийнинг адабий меросини мақола доирасида тилшунослик нуқтаи назардан биринчи марта Ҳ.Назарова ўрганган ва ўзбек тили тарихига оид қўлланмаларда айрим умумий қайдлар келтирилган²³.

1976-йилда Ф.Исҳоқов томонидан «Зарбулмасал» асари чуқур ўрганилиб, унинг танқидий матни яратилади. Китобда Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди, меросининг ўрганилиш тарихи, «Зарбулмасал»нинг қўлёзма ва литографик нусхалари, уларнинг умумий қиёси ва матн танқиди ҳамда грамматик очерки берилган²⁴.

Ўз асарларида Комила, Нодира ва Макнуна таҳаллуси билан ижод қилиб, бой лирик мерос қолдирган Моҳларойим Нодира ҳаёти, фаолияти ва бадиий меросига қизиқиш шоира ҳаётлигидаёқ бошланган. XIX аср ва ундан кейинги давр тарихий асарларида унинг шахсий турмуши, ижтимоий фаолияти ва адабий ижодиёти ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган²⁵. М.Қодирова Нодира ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борган²⁶.

Мустақиллик йилларида шоира ҳаёти ва ижоди бўйича махсус тадқиқот яратилмаган бўлса-да, амалга оширилган илмий ишларда унинг дунёқараши, асарлари таҳлили, умумий тил хусусиятлари акс этган²⁷.

²³ Назарова Ҳ. «Зарбулмасал»нинг баъзи бир лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959. – № 2. – Б. 66-71.; Ўша муаллиф. «Зарбулмасал»да қўлланган кўчирма гаплар ва уларнинг турлари // Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти асарлари. 12-чиқариш. – Тошкент, 1959. – Б. 87-99; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихи. Дарслик. – Т. – Б.165-168.; Ўқитувчи Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. Қўлланма. – Т., 1983. – Б. 31-39.

²⁴ Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. – Т.: Фан, 1976.

²⁵ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик.

²⁶ Қодирова М. Нодира биографиясининг баъзи масалаларига доир. Ўзбек маданияти. 1959 йил 17 июль; Ўша муаллиф. Нодира ҳаёти ва ижоди // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1959. – № 11; Ўша муаллиф. Нодиранинг тожик тилидаги шеърлари // Тил ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1960. – № 5; Она же. Поэтесса Надира // Звезда Востока. – Тошкент, 1962. – № 5; Ўша муаллиф. Нодира ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. ном. ... дис. – Т, 1961.; Қодирова. Нодира ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фан, 1965.; Кадырова. Надира (Очерки и творчества). – Т.: Фан, 1967.; Қодирова М. 19 аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (ўзбек шоирлари ижоди мисолида): Филол.фан.доктор.... дис. – Т, 1975.; Ўша муаллиф. Нодиранинг янги ўзбекча девони. Ўзбек тили ва адабиёти. 1963, № 4; Қодирова М. Давр Нодираси, Т., 1991.

²⁷ Нурматова М. 17-19 асрларда Ўзбекистонда эстетик тафаккур тараккийси (ўзбек мумтоз шоирлари ижоди мисолида). Номзод диссер. Тошкент, 1994; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиши жараёни. (19 аср бошлари). Фил.ф.номзоди диссертация. Т., 1994; Тожибоев М. Нодира шеърларининг тил хусусиятига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 2005, 4 сон, 89-90-бетлар; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII- XIX асрлар ўзбек шеърляти асосида). Филол.фан.докт....дисс.Т., 1999.

М.Тожибоев ўзининг мақоласида Нодира шеърлари тилининг энг характерли хусусияти кўп ҳолларда сўз ва сўз шакллариининг ғарбий туркий тилларга хос вариантлари қўлланганлигида, товуш тизими ўрганилганда эса, асосан, сингармонизмнинг бузилганини аниқ мисоллар билан таҳлил қилади. Нодира зуллисонайн шоира сифатида ижод қилиши унга айрим форс тожикча луғавий бирликларни ўзбекча шеърларга олиб киришига имкон берди, баъзи ҳолларда туркий сўзлар воситасида форсий изоф яратади²⁸.

Даврнинг яна бир вакили Нодир-Узлат ҳаёти, лирик меросига оид янги манбалар қўлга киритила бошланди, адабиётшунослик соҳасида тадқиқотлар амалга оширилди²⁹.

Д. Ҳамроева диссертациясида Машраб ижодига илмий нуқтаи назардан ёндашиш илк бор XIX аср бошида Европа олимлари Г.Вамбери, Дитрель де Ренн, Б.Гренер, Й.Аветарянианлар томонидан бошлаб берилганини таъкидлайди³⁰. М.Тожиҳўжаев ҳам ўз мақоласида бу фикрни тасдиқлаб, Парижда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида И.Гольдциер томонидан қилинган «Форсларда ислом» номли докладини ёзишда у немис олими «Девонаи Машраб» ва «Шоҳ Машраб» қиссаларидан фойдалангани, шунингдек, Машраб ҳақида 1902 йилда «Доно дарвиш ва авлиё даҳрий», 1903 йил эса «Қадамжой» мақолаларини ёзгани ҳақида хабар беради³¹.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан рус шарқшуносларидан Н.Н.Пантусов, Н.С.Ликошин, А.Карцев, Н.Снесаревлар Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишга ҳиссаларини қўшган бўлсалар, рус шарқшуносларининг «Ислом

²⁸ Тожибоев М. Нодира шеърларининг тил хусусиятига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. 2005, 4 сон. 89-90-бетлар

²⁹ Қаюмов А. Қўкон адабий муҳити. –Т.: ЎзФА нашриёти. –Б. 91-96, 250-301. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. П китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1964. –Б. 169-170.; Қодирова М. Нодира (Ҳаёти ва ижоди). –Т.: ЎзФА нашриёти, 1965. –Б. 24-25.; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 4-том, Т., 1978. –Б. 187-204. ; Гафуржонова Т. Нодира ва унинг «Ҳафт гулшан» асари: Филол. фан. ном. ... дисс.

³⁰ Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ, истилоҳ маъносида): Филол. фан.номз. ... дис. –Т., 2004. –Б. 4.

³¹ Тожиҳўжаев М. Бобораҳим Машрабнинг Европадги мухлислари // Адабиёт кўзгуси. –Тошкент, 2000. –№ 5. –Б. 177.

энциклопедик луғати»да ҳам шоир ҳаёти ва фаолиятига алоҳида ўрин ажратилган³².

Миллий адабиётшуносликда Машраб ҳақидаги илк фикр С.Айний ва Фитрат асарида учрайди³³. Кейинчалик машрабшуносликка Иззат Султон, Ғ.Ғулом, В.Абдуллаев, А.Ҳайитметов, М.Зокирий, И.Ҳаққулов, Н.Комилов, Ю.Юсупов, И.Абдуллаев М.Ҳошимхонов, Абдуҳаким Шаръий Жузжоний, Д.Ҳамроевалар муҳим ҳисса қўшдилар³⁴. Шулардан фақат Д.Ҳамроева ўз тадқиқотида Машраб поэтикасини ўрганар экан, шоир асарларининг айрим тил хусусиятлари ҳақида фикр билдирган. Жумладан, тадқиқотчи Машраб ғазалиётининг ўзига хос томонларидан бири сифатида унинг халққа бегона, руҳиятига сингмайдиган сўз, ибора, тушунчалардан сақлангани, жонли сўзлашув тилига яқинлиги Машраб шеърлари жилосини оширгани, уларда халқ мақол, матал ва ибораларидан унумли фойдаланганини алоҳида таъкидлайди³⁵.

Хоразм адабий муҳити вакиллари улкан тарихий ва мемуар асарлар яратиш билан алоҳида мактаб вужудга келтирганлар. Хоразм хони, тарихчи, тилшунос Абулғозий Баҳодирхон ушбу адабий муҳитнинг энг йирик вакили ҳисобланади. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишни хорижлик олимлар бошлаб берган бўлсалар³⁶, бу борада ўзбек олимларидан В.Абдуллаев, Э.Фазилов,

³² Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ, истилоҳ маъносида): Филол. фан. номз. ... дис. – Т., 2004. – Б. 5.

³³ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик.

³⁴ Зокирий М. Машраб. Адабий-танқидий очерк. – Т., 1966; Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Самарканд, 1995.; Боқиев О. Машраб «Девон»и ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1981 йил 18 ноябрь; Юсупов Ж. Ҳақиқий Машрабни излаб. – Т.: 1990; Шодиев Э. Машраб «Девон»и ҳақида мулоҳазалар // Адабий мерос. – Тошкент, 1983. – № 27. – Б. 33-36.; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Т., 1999; Жузжоний А. Машрабнинг тавҳид фалсафаси // Мулоқот. – Тошкент, 1999. – № 2. – Б. 55-57.; Д.Ҳамроева. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ, истилоҳ мисолида): Филол. фан. номз. ... дис. – Т., 2004. – 144 б.

³⁵ Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ, истилоҳ маъносида): Филол. фан. номз. ... дис. – Т., 2004. – Б. 128.

³⁶ Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абу-л-гази-хана. Грамматический очерк. – Т., 1969; Кононов А.Н. «Родословная туркмен» - сочинение Абу-л-Гази хана хивинского // Первая Всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – М.-Л., 1958. – С. 195-197.; Кононов А.Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана Хивинского - М.-Л., 1958; Кононов А.Н. Сочинения Абу-л-Гази хана хивинского, как источники туркмен и как памятник узбекской литературы и языка. // Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня 1957 года. – Т., 1958. – С. 906-911.; Кононов А.Н. История приобретения, переводов изданий и изучения сочинения Абу-л-Гази «Родословная

У.Турсунов, А.Алиев, Х.Худойназаров³⁷лар илмий изланишлар олиб борганлар. Истиқлол шарофати билан тилшунослик нуқтаи назаридан «Шажарайи турк» лексикаси ва асардаги антропонимлар, этнонимлар, топонимлар, гидронимлар, оронимлар махсус тадқиқ этилди, уларнинг кўрсаткичлари, луғати тузилди³⁸.

Абулғозий Баҳодирхон адабий меросининг лексикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, унинг асарлари XVII аср ўзбек адабий тили ва тарихий диалектологиясини ўрганишда қимматли манба ҳисобланиб, ушбу ёзма ёдгорликлар тили ва услубининг соддалиги, жонли сўзлашув тилига яқинлиги билан бошқа эски ўзбек тили ёдгорликларидан ажралиб туради. Тадқиқотда «Шажарайи турк»даги сўзларнинг туркий ёзма ёдгорликлар тилига муқоясаси Абулғозий ижодига XV-XVI аср ўзбек адабий тилининг таъсири ва, шу билан бирга, XVII аср ўзбек адабий тили анъаналари сақлангани, XVII-XVIII асрлар жонли халқ тили имкониятларидан кенг фойдаланганлигини кўрсатди. Асар лексикасини нисбатан мукаммал ўрганилган Алишер Навоий асарлари лексикаси билан қиёслаш “Шажарайи турк” лексикасининг бир қисми (10-15%) Алишер Навоий асарларида тамоман қайд этилмаганлиги ёки ундан маъно жиҳатидан фарқланиши асар лексикасининг эски ўзбек тили луғатини тузишда алоҳида аҳамият кашф этишини аниқ мисоллар билан илмий асослаб берилди. «Шажарайи турк»даги кўпгина сўзларнинг муаллиф

тюрк» // Советская тюркология. –Москва, 1971. –№ 1. –С.3-12.; Самойлович А.Н. Один из списков «Родословного древа туркменского» Абуль-гази-хана // Доклады АН СССР: Серия В.-Л., –С.39-42. и др.

³⁷ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи: 2 –китоб. -Т., 1967; Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. -Т., 1961; Абражеев А.И. Литературное значение «Шаджараи Туркия» Абулгази Багадурхана: Дисс. ... канд.филол. наук. –Самарканд, 1944; Абулғозий. «Шажарайи турк» // Сўз боши Б.Аҳмедовники. - Т.: Чўлпон, 1991; Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. II-қисм. - Т., 1983. –66 б.; III қисм, 1986; Бобониёзов Х. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари - ноёб маданий асар. - Т., 1992; Турсунов У. ва б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: «Ўқитувчи» 1995; Фазылов Э. Староузбекский язык: Хорезмские памятники XIV века: I-II - Т., том I, 1966, 650 с.; том II, 1971; Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века: Автореф. дисс. ...докт.филол.наук. - Т., 1967; Худойназаров Х. «Шажарайи турк» ва унинг ўрганилиши. - Т., 1991; Юсупов К. Абулгази и Хивинское ханство в первой половине XVII в.: Автореф. дисс. ... канд.историч. наук. - М., 1950.

³⁸ Турдибеков М.Т. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари ономастикаси: Филол. фан.ном... дис. -Т., 2001; Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари лексикаси. Филол. фан.ном... дис. -Т., 2004;

томонидан изоҳланиши асарнинг характерли хусусияти сифатида қайд этилди. Ишдаги муҳим янгиликлардан бири «Шажарайи турк» асарида ҳозирги китобхон учун изоҳталаб 2680 сўзлик-луғатнинг тузилганлигидир. Бу луғат маданиятимиз учун қадрли бўлган ёзма ёдгорликларнинг замонавий нашрлари учун зарурдир³⁹.

М.Турдибеков томонидан “Шажарайи турк” асарининг ономастикаси монографик тарзда тадқиқ этилиб, асардаги ономастик материал кенг кўламда ўрганилди ва номларнинг аталиш асосларига кўра типлари муайян тамойиллар асосида таснифланди, уларнинг мотиватив асослари ва маънолари белгиланди, баъзи номларнинг этимологияси ҳамда маъносига оид кузатишлар олиб борилди, грамматик тузилиши моделлари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари бўйича “Шажарайи турк”да 1357 та атоқли от кўлланилгани қайд қилиниб, улардан 880таси антропонимлар, 286 таси топонимлар, 118 таси этнонимлар, 51таси гидронимлар, 22 таси оронимлар эканлиги аниқланди⁴⁰.

Адабиётшунос олим В.Абдуллаев XVII-XVIII асрлардаги Хоразм адабий муҳитини атрофлича ўрганиш мақсадида кўпгина кўлёзма манбаларни кўздан кечириб, Паҳлавонқули Равнақ, Муҳаммад Хоксор, Роқим ва Муҳаммадниёз Нишотий ҳақида муҳим маълумотни аниқлади, адабий меросининг маълум бўлганини илмий муомалага киритди. Шундан сўнг Х. Расулов ўзининг монографиясида Нишотийнинг “Хусну Дил” достони таҳлилига бағишланган алоҳида боб ажратди, О.Қосимхўжаева эса Роқим ижодини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот олиб борди⁴¹.

³⁹ Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асари лексикаси. Филол. фан.ном... дис. -Т., 2004. Б.105-106

⁴⁰ Турдибеков М.Т. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари ономастикаси: Филол. фан.ном... дис. авторефер. -Т., 2001. Б. 9.

⁴¹ В.Абдуллаев. Нишотий лирикаси//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960; Хоразмдаги 18 аср адабиётида мафкуравий кураш // А.Навоий номидаги СамДУ асарлари, Янги серия № 63, 1956; В.Абдуллаев 17-19 асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти: Филол. фан. док.... дис. –Самарқанд-Баку, 1958. –Б. 349-442.; В.Абдуллаев. Хоксор ва Нишотий. –Самарқанд, 1960.; В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 2 том. –Б.188-219; Қосимхўжаева О. Роқимнинг ҳаёти ва ижоди. Фил.фан.номз. диссер. –Т., 1969.

Истеъдодли шоир, тарихнавис, таржимон, олим, хуснихат соҳиби, хаттот Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди, бой адабий ва тарихий мероси ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган⁴². Шунингдек, шоир ижодиётидаги устуворлик қардош ва чет эл олимларининг диққат-эътиборида ҳам бўлган⁴³.

Мустақиллик йилларида М.Абдулхайров «Девони Мунис» тилининг лексик қатламларини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотни амалга оширди, Н.Жумахўжа ўзининг илмий ишларида унинг ижоди ҳақида фикр юритди⁴⁴.

М.Абдулхайров илмий изланишлари натижасида ўзбек адабий тилининг XVIII-XIX асрлардаги ҳолати, Хоразм диёрида илм-фан, маданият ва санъат, туркий қавмларнинг расм-русумлари ҳамда миллий тилнинг тарихий ривожига ҳақида маълумот берувчи ноёб кўлёзма манба сифатида “Девони Мунис” тили лексикаси генетик жиҳатдан асосан туркий, арабча ва форсча сўзлардан таркиб топган бўлса-да, уларнинг асосий қисмини туркий сўзлар ташкил этади ва улардан Навоийга хос юксак маҳорат билан фойдаланган, деган илмий хулосага келган. “Девони Мунис”даги ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳеч қандай ўзгаришларсиз ишлатиладиган, шаклий-маънавий ўзгаришларга учраган, кам ёки умуман истеъмолдан чиққан, маъноси торайган сўзларни таҳлил қилган⁴⁵.

⁴² Муниров К. Неизвестный диван Муниса Хоразми. –Т.: Фан, 1951. –90 с.; Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.,1967. –Б. 236-265; Аҳмедов Т. Мунис. –Т.: Фан, 1980; Ҳасанов С. Муниснинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Ўзбекистон, 1979; Юнусов М. Мунис шеърляти // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1978. – №6. –Б. 48-54.; Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. –Т.,1991; Муниров Қ. Мунис, Оғаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т.: Фан, 1960; Муродов А. Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихидан. –Т.:Фан, 1971 ва б.

⁴³ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Т.2. часть 1. –М.: Изд.вост.лост.лит., 1963; Бартольд В.В. Новый источник по истории Хоразма. Сочинения: Работы по источниковедению. Т.8. –М.: Изд. Вост.лит., 1973.

⁴⁴ Абдулхайров М.Х. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари: Филол. фан. номз. ... диссер. –Т., 1996; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII- XIX асрлар ўзбек шеърляти асосида): Филол. фан. докт....дис. –Т., 1999.

⁴⁵ Абдулхайров М.Х. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари: Филол. фан. номз. ... диссер. –Т., 1996. Б.108-110/

“Девони Мунис”даги шевага хос асосий сўзларнинг асосий қисмини ўзбек тилининг Хоразмдаги ўғуз, қипчоқ шеваларига мансуб бўлган сўзлар ташкил этишини аниқлаган.

Огаҳийшуносликда биринчи бўлиб Ф.Ғанихўжаев «Таъвиз ул ошиқин» девонининг илмий танқидий матнини яратди⁴⁶. Шундай бўлишига қарамай, шоир асарларининг қўлёзма манбалари тарқоқ, уларни бир жойга жам қилиб, таҳлил этмоқ керак. Огаҳийшуносларнинг барча тадқиқотларида «Огаҳий мероси эндигина ўрганилаяпти, ҳали кўп тадқиқот ишлари олиб борилиши керак» деган фикрни учратамиз.

Дарҳақиқат, Огаҳий асарлари тилига бағишланган бирорта махсус тадқиқот яратилмаган бўлмаса ҳам, бу масала С.Долимов ва Қ.Султоновалар томонидан қисман ўрганилиб, диссертацияларида алоҳида бўлим ажратган⁴⁷.

Қ.Султонова Огаҳийнинг “Гулшани давлат” асарини ўрганар экан, бу ёзма обида ўзининг тил хусусиятлари билан ўзбек адабий тилининг таракқиётига қўшилган ҳиссадир деб баҳолайди. Асарни ўрганиш жараёнида XIX асрда Хива хонлиги ҳудудида ўзбек адабий тили қай аҳволда эканлиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. “Гулшани давлат” асари хон саройида ўқилиши учун мўлжаллаб ёзилгани учун унинг тили муайян тайёргарликка эга қатламлар учун тушунадиган қилиб ёзилган бўлса ҳам, унда жонли сўзлашув тилига хос сўз ва иборалар қўлланганини кузатиш мумкин⁴⁸. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқотдаги айрим маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, уларнинг аксарияти А.Матғозиевнинг XIX аср ўзбек адабий тилини ўрганишга бағишланган илмий ишларидаги хулосаларни такрорлайди.

⁴⁶ Ғанихўжаев Ф. Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девон ива унинг илмий-танқидий матни: Филол. фан. докт. ...дис. –Т., 1998.

⁴⁷ Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз. ...дис. –Т., 1962; Султонова Қ. Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асари адабий манба сифатида: Филол. фан. номз. ... дис. –Т., –Б. 94-108.

⁴⁸ Султонова Қ. Огаҳийнинг «Гулшани давлат» асари адабий манба сифатида: Филол. фан. номз. ... дис. –Т., –Б. 94-108

Огаҳий асарлари лексикасининг умумий хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, олимларимиз Хоразм хонлари тарихига бағишланган адиб асарлари давр сарой адабиёти тили анъаналарига амал қилганлигини алоҳида таъкидлайдилар⁴⁹.

Тадқиқ этилаётган даврнинг яна йирик маънавият ўчоқларидан бири бўлган Бухоро адабий муҳитининг йирик намояндаси Турди Фароғий ҳақида манбаларда маълумот берилмагани унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда қийинчилик туғдиради. Турди ҳақида “Ўзбек адабиёти тарихи”да берилган маълумотдан сўнг у ҳақда ҳеч қандай махсус тадқиқот эълон қилинмаган эди.

Кейинги даврда яратилган ишларда Турди ижодига янгича ёндашув асосида фикр юритила бошланди⁵⁰. Н.Жумахўжа ўз тадқиқотида «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичида Турди Фароғий ягона Ватан, яктан миллат ғояларини илгари сурган адибдир»⁵¹, деб Турди Фароғийнинг ижодини юксак баҳолайди ва уни ўрганишга миллий истиқлол ғояси ва мафкураси нуқтаи назардан ёндашади, шоирни миллий бирлигимиз оташин курашчиси сифатида гавдалантиради. Олиб борилган илмий изланишлар адабиётшунослик соҳасида амалга оширилгани учун, Турди асарлари тили ҳақида сўз юритилмаган. Тадқиқотлар натижаси Бухоро адабий муҳитининг яна бир вакили Мужрим Обиднинг ижоди фақат адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилганини кўрсатди⁵².

⁴⁹ Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Т.:Фан., 2007, 118 бет

⁵⁰ Ҳайитметов А.Х. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. – 203 б.; Қўшоқов М. Зоти Қулзум Турди. // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1998. –№ 12. –Б.141-151.; Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. –Т.: Шарқ, 1996. –141 б.; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII- XIX асрлар ўзбек шеърояти асосида): Филол. фан. докт....дисс. –Т., 1999.

⁵¹ Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII- XIX асрлар ўзбек шеърояти асосида): Филол. фан. докт....дисс. –Т., 1999. –Б. 92.

⁵² Мужрим – Обид. Ғазаллар / Нашрга тайёрловчи Р.Комилов. –Т.: Ўздавнашр, 1960; Ҳомидий Ҳ. Мужримнинг Янги девони // Қизил Ўзбекистон, 1960 йил 2 апрель. Шу муаллиф. Мужрим–Обид девонлари // Низомий номидаги ТДПИ. Илмий асарлар. –Тошкент, 1962. –Б. 145-149.; Ўша муаллиф. Икки Мужрим муаммоси // Низомий номидаги ТДПИ. Илмий асарлар. Т. 43. –Т., 1965. –Б. 19-134.; Воҳидов Р. Мужрим – Обиднинг даври, ҳаёти ва ижод йўли // «Ленин йўли» газетаси. 1989 йил 8 июнь; Абдурахмонов М. 18 аср охири ва 19 аср бошларида Бухорода ўзбек адабиёти тарихидан: Филол. фан. ном. ... дисс. –Самарқанд, 1965.; Ўша муаллиф. Кумукент фарзанди // «Бухоро ҳақиқати» рўзномаси. 1991йил 9 январь; Ҳаққул И.

Мустақиллик йилларида Ғ.Эшмонов Мужрим Обид ҳаёти ва туркий ижодиётини ўрганган, шоир мероси билан боғлиқ янги маълумотларни илмий муомалага киритди⁵³, Мужрим Обид «Рубоий ва қитъалар»и жамланиб, сўзбоши ва луғати билан китоб ҳолида нашр эттирди⁵⁴. Ғ.Эшмонов ўз тадқиқотида Мужрим Обид XVIII аср охири XIX аср бошларида ўзбек тилида энг кўп ғазал ёзган ижодкорларидан бири сифатида таъкидлайди, унинг туркий ғазалларининг сони 459 тани ташкил қилади. Тадқиқотчи шоир асарлари орасида тил жиҳатидан ўта мураккаблари, адабий-форсий сўзлар кўп қўлланганлари ҳам, содда, халқона услубда ёзилганлари ҳам борлигини қайд қилди⁵⁵.

Самарқанд адабий доирасининг буюк намояндаси Сўфи Оллоёр адабий мероси ишдаги асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Сўфи Оллоёр Самарқандда туғилса-да, илм истаб Бухорода умр кечирганини⁵⁶ ҳисобга олиб, унинг ижодига ҳам Бухоро адабий муҳити вакили сифатида назар ташлашга қарор қилинди.

Диний-маърифий таълимот миллий мафкуранинг узвий қисми ҳисобланган бугунги кунда Сўфи Оллоёр меросини илмий нуқтаи назардан ўрганиш, асарларининг замонавий аҳамиятини белгилаш фан олдидаги долзарб вазифалардан бири. Чунки яқин-яқингача унинг ижодига бир томонлама, яъни ўтган давр мафкураси нуқтаи назардан ёндашилиб, уни диний-мистик адабиёт вакили деб қараш ҳукмрон бўлиб келган.

Сўфи Оллоёр ижодини холис тарзда ўрганишга мустақилликдан кейин киришилган бўлса-да, бу борада сезиларли ютуқларга эришилди. Унинг асарларини нашр қилиш ва ушбу мавзунини ўрганишга Н.Комилов, Б.Валихўжаев, И.Ҳаққулов, И.Сувонқулов, И.Салоҳий, Қ.Тохиров,

Ҳасби ҳолидур бу Обид айғони». «Ё.Исҳоқов билан суҳбат. Ўша муаллиф. Ғазал гулшани (адабий суҳбатлар). –Т.: Фан, 1991. –Б. 53-59.

⁵³ Эшмонов Ғ.Ж. Мужрим – Обиднинг туркий ижодиёти: Филол. фан. номз.... дис. –Т., 2002.

⁵⁴ Мужрим –Обид. Рубоий ва қитъалар / Нашрга тайёрловчи Эшмонов Ғ. –Т.: Босқон, 1996. -34 б.

⁵⁵ Эшмонов Ғ.Ж. Мужрим – Обиднинг туркий ижодиёти: Филол. фан. номз.... дис. –Т., 2002. Б. 98.

⁵⁶ Ўзбек адабиёти тарихи, Беш томлик. III-том. –Б.191; Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари: Филол. фан. док.... дисс. –Т.,1997. –Б.15.

С.Рафиддинов, Н.Жумахўжа, М.Муродов, Ш.Сирожиддинов, Р.Зоҳид, Н.Ниёзова, Н.Аллаёрова, С.Салимов, Н.Баратова кабилар муносиб ҳисса қўшдилар⁵⁷. Бу тадқиқотлардан фақат Р.Зоҳидов Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари лексикасини ўрганган, Н.Баратова, Н.Аллаёроваларнинг диссертацияларида «Сабот ул-ожизин»нинг тил масаласига алоҳида бўлим ажратилган⁵⁸.

Н.Аллаёрова “Саботул ожизин”да тил ва кофия масаласини ўрганар экан, тадқиқотчи шоирнинг умумхалқ тили тараққиёти қонуниятларига бўйсунishi, сўзлашув тили ҳисобланган жонли тилга асосланишини алоҳида таъкидлайди ва Сўфи Оллоёрнинг шеърий тилида қисман ўғуз лаҳжаси унсурлари учраши икки манбаси мавжуд, деган хулосага келади. Биринчиси, туркий тилнинг ўғуз лаҳжаси Жанубий Хоразмдаги жонли сўзлашув тили ҳисобланса ҳам, Сўфи Оллоёр бу лаҳжада сўзлашувчи кишилар даврасида бўлган ҳамда Бухоро туркманлар тилига бу лаҳжа маълум даражада таъсир кўрсатган. Иккинчиси, китобий таъсир бўлиб, Сўфи Оллоёр Фузулий ижодидан ҳам хабардор эканлигини кўрсатади.

“Саботул ожизин” асари диний-тасаввуфий адабиёт намунаси бўлгани учун Сўфи Оллоёр шеъриятидаги арабча, форс тожикча сўзлар

⁵⁷Тоҳиров Қ. Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттакийн // Овози Самарқанд. 1990 йил 21-26 май, 6, 9, 13, 16, 18 июнь.; Салоҳий Исомиддин. Сўфи Оллоёр: Маънавият қирралари // Ўзбекистан адабиёти ва санъати. 1992 йил 23 январь, 4-б.; Ўша муаллиф. Сўфи Оллоёр. Маънавият қирралари. –С.: Зарафшон, 1992 йил 7 феврал; С.Рафиддинов. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттакийн» асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993. – № 2. –Б. 48-52.; Ўша муаллиф. Фатво ва тақво китоби // Ислом нури. – Т, 1992. – № 16-17.; Мелиқул Ханжар. Сўфи Оллоёр Вахшиворда. –Термиз: Жайхун, 1995; Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. –Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси, 1995. –32 б.; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996; Валихўжаев Б. Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи // Мулоқот. –Тошкент, 1996. – 3 сон –Б. 41-44.; Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. –Бухоро: Бухоро Давлат университети, 2000.; Сувонқулов И. Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари: Филол. фан. докт.... дисс. – Т.,1997.; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. докт. ... дис.–Т., 1999.; Зоҳидов Р.Ф. «Сабот ул-ожизин» асари лексикаси: Филол. фан. ном. ...дис. –Т., 2001.; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. –Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001; Зоҳид Рашид. Сўфи Оллоёр ҳақида нималарни биласиз? // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1990. – № 12, –Б.153-156; Ниёзова Н. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди. –Насаф, 1995. – 40 б.; Аллаёрова Н. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-жизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти: Филол. фан. ном. ... дис.автореф. –С.: 2002. – 24 б.; Баратова Н. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттакийн» ва «Сабот ул-ожизин» асарларининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. ном. ... дис. автореф. –С., 2004. – 20 б.;

⁵⁸ Аллаёрова Н. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-жизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти: Филол. фан. ном. ... дис.автореф. –С.: 2002. – Б.17-20; Баратова Н. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттакийн» ва «Сабот ул-ожизин» асарларининг қиёсий таҳлили: Филол.фан. ном. ... дис. автореф. –С., 2004. – 20 б.;

миқдори анчагина миқдорни ташкил қилади. Бунга сабаб, бир томондан, ислом таълимотининг асосини ташкил этадиган атамаларнинг ҳаммаси арабча сўзлар бўлса, иккинчи томондан шоирнинг форс тилини мукаммал билар, ҳар икки тилда тенг даражада ижод қила олган шоирдир⁵⁹.

Умуман олганда, давр намояндаларининг асарлари тили адабиётшунослик ва тилшунослик йўналишларида ижтимоий талаблар асосида ўзига хос даражада тадқиқ қилинган. Ҳар бир давр ўз фани олдида муайян талабларни қўяди. Шу нуқтаи назардан, ёдгорликлар тилини янги талаблар асосида ўрганиш давр тақозосидир.

Бу даврда яратилган назмий асарлар тилини фонетикасини ўрганишда Мирза Маҳдихоннинг “Мабониул-луғат” грамматикаси ва “Санглоҳ” (XVIII аср), Фатҳ Али Кожарийнинг “Луғати атрокия” (XIX аср), Шайх Сулаймоннинг «Луғати чиғатойи ва туркий усмоний» (XIX аср) асарларидаги эски ўзбек тили сўзларининг талаффуз хусусиятлари ҳақида фикрлари фактик материал сифатида олинди.

1.2. Давр назмий асарларида фонетик ҳодисалар ва фонетик қонуниятлар тушунчаси

Туркий тиллар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, товушлар тизимида бир томондан ҳозирги туркий, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий тили билан умумийлик, иккинчи томондан жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда нутқ товушларида ҳам айрим ўзига хосликларнинг юзага келиши табиийдир⁶⁰.

Эски ўзбек тилига оид ёзма манбалар, асосан, араб алифбосида битилганлиги сабабли, жами унлилар учун учтагина белги ишлатилган, холос. Аммо унли товушлар ҳақида турли олимлар турлича фикр билдирганлар. Жумладан, К.К.Юдахин эски ўзбек тили даврида ижод қилган

⁵⁹ Аллаёрова Н. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-жизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти: Филол. фан. ном. ... дис.автореф. –С.: 2002. – Б.17-20

⁶⁰ Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.–Т., Ўқитувчи 1996. 8 б.

шоирлар тили сингармонизмсиз тил бўлиб, уларнинг тилида олти унли товуш мавжуд бўлган, деган хулосага келади⁶¹. Профессор А.К. Боровков Алишер Навоий аслари тилининг унлилар тизими ҳақида гапирар экан, шоир тилида 8 унли товуш мавжудлигини уқтиради⁶². А.М. Щербак умуман эски ўзбек тилида, жумладан, Алишер Навоий асарлари тилида унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқликда фарқланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, тил олди ва тил орқа “и” унлисининг фарқланганлигини кўрсатиб, бу давр тилида 8 унли товуш истёъмолда бўлган, деган хулосага келади. Алишер Навоий ва Бобур диалектлари бир бирига яқин, буни Бобур ўз “Бобурнома”сида ҳам кўрсатади, деб ёзади⁶³.

Профессор Х.Д. Дониёров Алишер Навоий асарлари тили ва эски адабий тилидаги унлилар тизимини кузатар экан, бу давр тилида унлилар жами 11 товуш бўлиб, шундан 9 таси фонема, деган хулосага келади⁶⁴.

Туркий тиллар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ундош товушлари тизимида ҳам, бир томондан, ҳозирги туркий, жумладан, ҳозирги ўзбек адабий ва умумхалқ тили билан умумийлик, иккинчи томондан, айрим ўзига хосликларини ҳам учратиш мумкин.

Табиийки, ўзлашган ундош товушлар талаффуз жиҳатидан туркий тиллар қонуниятига мослаштирилган⁶⁵. Туркий тиллар тарихида оҳангдошлик қонунияти билан боғлиқ равишда ундош товушлар дастлаб иккига — якка ва жуфт ундошлар деб ажратилган. Табиийки, қаттиқ, юмшоқлик, яъни тил орқа ва тил олдилик хусусияти ёзувда ҳам ўз аксини топган.

Эски ўзбек тили даврига келиб, ўзбек тилига араб, форс-тожик тилининг анчагина таъсири бўлди. Шунинг учун бу тиллардан ўзлашган

⁶¹ Юдахин К.К. материалы к вопросу о звуковом составе чагатайского языка. Культура и письменность востока, кн. IV. Баку, 1929, ст. 67.

⁶² Боровков А.К. Алишер Навоий — как основоположник узбекского литературного языка. Сб. «Алишер Навоий», М.-Л.: 1946, ст 106.

⁶³ Щерба А.М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л., 1962, ст. 72-77.

⁶⁴ Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва кипчоқ диалектлари. —Т., 1976, 64 б.

⁶⁵ Махмудов Қ. XIII-XIV аср ёзма обидалар тилининг фонетик системаси.—Т., Фан, 1990. 73-бет.

сўзларда бу давр тилида “р” товуши сўз бошида ҳам қўлланиладиган бўлди. Шу билан бир қаторда жарангсиз “қ” ундошининг жарангли “ғ” ундоши билан баравар қўлланилишини Меҳдихон алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Баъзан сонор ундошлари олдидан келган “қ”нинг “х”га ўтиш ҳолатлари ҳам учрайди: сақла-сахла, тўқмоқ-тўхмоқ каби.

Эски ўзбек тилининг маълум даврига келиб лаб-тиш “в”лаб-лаб “в” товушига айланган. Айни пайтда бир асарнинг ўзида ҳам жарангсиз “т” ва жарангли “д” ундошлари баравар қўлланади: тақи-дағи, деди-теди...⁶⁶

Ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ҳодисалар қуйидагича тасниф қилинади:

- I. Артикуляцион ёки физиологик (айтиш ёки талаффуз) сабаблари;
- II. Туркий тилларда сингармонизм қолдиқлари;
- III. Семантик (маъновий) дифференциация;
- IV. Шевалар аралашуви⁶⁷.

1. Ассимиляция. Бу ҳодисага кўпгина дарсликларда бошқа ҳодисалар сирасида ўтган замон шаклини ясовчи **-ди** кўшимчасини жарангсиз «т» ундошидан кейин **-ти** варианты далил сифатида келтирилади. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девон»ида жарангсиз «т» ундошидан кейин келган **-ди** кўшимчасининг **-ти** тарзидаги талаффузи (яъни ялатти-ялғатди, яратти-яратди каби) ўғуз шеваларига хослигини, ҳоқоний туркчасида эса буларни жарангли «д» билан талаффуз қилиш алоҳида меъёр эканлигини кўрсатади⁶⁸.

Профессор А.Рустамов эски ўзбек адабий тили даврининг унлилар тизимини махсус тадқиқ этиб, бу давр тилида айрим ҳолатларда чўзиқ ва қисқа «и» унлисини маъно фарқлаш хусусиятига ҳам эга бўлиб қолганлигини

⁶⁶ Тўйчибоев Б. ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. –Т., Ўқитувчи, 1996.

⁶⁷ Абдуазизов А.А. Ўзбек адабий тили фонологияси ва морфонологияси. Т., 1992, Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси (фонетика, морфология, лексика). Т.: «Ўрта ва олий мактаб» нашрети. 1962. -140 б, Қиличев Э.Ҳозирги ўзбек адабий тили.Бухоро,1999.-228 б.

⁶⁸ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. 3 томлик. 2 том 365, 409 б.

алоҳида кўрсатади. Бу давр тилида 9 унлилик тизим истеъмолда бўлганлигини таъкидлаб, уларни мисоллар асосида изоҳлайди⁶⁹.

Умуман олганда, эски ўзбек адабий тили даврида оҳангдошликнинг ҳам танглай, ҳам лаб уйғунлиги истеъмолда бўлиб, 9 унлилик тизими мавжуд бўлган.

Қатор туркшунослар, жумладан, М.И.Матусевич «Введение в общую фонетику», А.М.Шчербак «Сравнительная фонетика тюркских языков» асарида сўз ўртасида жарангсиз ундошлардан кўра жарангли ундошларни кўллаш қарлуқ-уйғур шеваларига хослигини, ўғузлар лаҳжасида эса сўз бошида кўпроқ жаранглиларни, сўз ўртасида эса жарангсиз ундошларни кўллашга мойил эканликларини алоҳида уқтиради.

Яқин вақтларгача *тоққа, сиққан, эккан* кабилар имло ва талаффуз меъёри саналар эди. Ваҳоланки, Маҳмуд Кошғарий **-ган** ва **-га** кўшимчаларининг ҳоқоний туркчада, “ғ” билан тугаган сўзларга ҳам кўшилиб келиши ва ассимиляция ҳодисаси юз бермаслигини алоҳида таъкидлайди⁷⁰. Шунинг учун ҳозир омограф бўлган *тоққа, сиққан, эккан* каби сўзлар туркий ҳоқонийда икки хил имло ва талаффузга эга бўлган: *тоққа|тоғга, сиққан|сиғган, эккан|эгган*.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 август 339-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»да бу қонуният қайта тикланди ва *tog'ga, eggan, sig'gan* имлоси меъёрлаштирилди.

2. Прокопа. Ўзбек тили дарсликлари тор унлилардан олдин келган сўз бошидаги «й» товушининг тушиб қолишини прокопа ҳодисаси сифатида баҳолайди⁷¹. Лекин Маҳмуд Кошғарийдан бошлаб, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси билан шуғулланган ҳар бир мутахассис сўз

⁶⁹ Рустамов А. XV аср ўзбек адабий тилининг вокализими. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналы 6-сон, 66-68 бетлар.

⁷⁰ Кўрсатилган асар. 71 б.

⁷¹ Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро 1999. 100 б.

бошида, тор унлилардан олдин Ø-й-ж товуш мос келишини ўғуз, қарлуқ ва кипчоқ лаҳжалари муносабатидаги қатъий товуш мос келиши қонуниятига сифатида эътироф этади. Шунинг учун ҳозирги тилимизда учрайдиган *йилон-илон, йироқ-ироқ, йил-ил* каби ҳодисалар қарлуқ-уйғур ва ўғуз лаҳжаларининг ёнма-ён қўлланилиши сифатида қаралиши лозим.

3. Жаранглилашув. Бу ҳодиса туркийшунослик бўйича илмий адабиётларда қайд этилмаган. Лекин тилимизда, айниқса, эски ўзбек тилида бу ҳодиса кенг тарқалган эди. Маълумки, қарлуқ-уйғур лаҳжаларидаги анлаутдаги «т» ва «к» товушлари ўғуз бирликларида «д» ва «г» товушларига мос келади: *темоқ|демоқ, турмоқ|дурмоқ, тенгиз|денгиз, кун|гун, кулмак|гулмак*.

4. Деназалиация (бурун товушининг бошқа товуш билан алмашуви). Тилимизда бу ҳодиса кўпинча «б»-«м» алмашувинида кўринади яъни, «б» билан ўғуз лаҳжаси варианты ва «м» билан қарлуқ-уйғур лаҳжаси варианты тилимизда меъёрлашган: *мунча-бунча, бун-муни, бурун-мурун, байрам-майрам*.

5. Апокопа (анокопа) (кесиб қисқартириш). Сўз охирида ундош товуш тушиб қолиши: *сув-су*. «Сув» сўзининг қадимги шакли **субдир**⁷² ва у **суғ** кўринишига ҳам эга эди. Ҳозирги ўзбек тилида **суғ** шакли «*сугормоқ*» феъли таркибида сақланган. Сўз охиридаги “ғ” эса қарлуқ-уйғур лаҳжасида ғ|г, қ|к шаклларда, кипчоқ лаҳжасида лаб-лаб «в» шаклида сақланиб қолган.

6. Диереза (бўлиниш). Ушбу ҳодиса ҳақида Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шундай маълумот келтирилади: қарлуқ-уйғур тилларига хос бўлган айрим сўзлар ўртасидаги «к», «ғ» товушларининг тушириб қўлланилиши ўғуз тилларига хосдир: *барған-баран, ўткан-ўтан, тамғақ-тамақ, ўрғақ-ўроқ, юмғақ-юмалоқ, ўғли-ули*⁷³.

⁷² Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. 43, 422 с.

⁷³ Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. 3 томлик. I,69; I,439; II, 355; III, 51.

Баён этилган фикрлардан кўриниб турибдики, ўзбек тилшунослигига доир барча илмий адабиётларда берилган фонетик ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳам **фонетик ҳодиса** бўла олмас экан. Булар, асосан, қарлуқ-уйғур, ўғуз, қипчоқ этник гуруҳларнинг қоришуvidан ҳосил бўлгандир. Шунинг учун бундай фонетик ҳодисаларнинг айримларини **фонетик қонуният** сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Давр назмий асарларидаги фонетик шакллар икки гуруҳга бўлиб, уларнинг биринчиси «фонетик ҳодисалар», иккинчиси «фонетик қонунятлар» деб аталди.

Фонетик ҳодисалар деганда, давр назмий асарлари тилида учрайдиган турли товуш ўзгаришлари (товуш алмашинуви, товуш тушиши, товушларнинг ўрин алмашуви) ва тақлидчилар (назира боғлаш) ҳодисалари тушунилади.

Жумладан, ўзаро қардош тилларни (чунончи, туркий тиллар ёки ўзбек лаҳжалари) қиёслаганда, бир тилдаги маълум бир ўзакдаги товушларнинг иккинчи бир тилда бошқа товуш билан алмашишига товуш алмашиши дейилади: *йироқ-жироқ-ироқ, йуз-жуз-уз, йулдуз-жулдуз-улдуз*. Туркий тилларнинг типологик хусусиятига кўра адабий меъёр қарлуқ-чигил лаҳжаси сўз бойлиги ҳисобланган *йироқ* (*йуз, йулдуз*) шаклидир. Демак, шу сўзнинг бошқа лаҳжадаги вариантлари (*жироқ, жуз, жулдуз, ироқ, уз, улдуз*) номеъёрий шакл саналади.

Қилмадим шукронаи. Солдурди туфроқ ошима,

Қолмади *жуз* дарду ғам ҳамдам, мусоҳиб қошима (Турди Фароғий).

Гавҳари ашкимни манъ айларга лаълин тишлади,

Зийнатафзо бўлди лаъли жонфизо *инжу* била. (Нишотий).

Бу сўз бошидаги *й, ж* ва ноль товуш (товушнинг умуман йўқлиги, тушуб қолиши). Алмашиш ёки тушуб қолиш қилиш натижасида тилда ёки турли давр тилида бир сўзнинг (ёки кўшимчанинг) турли фонетик кўринишлари ҳосил бўлади. Жумладан, юқорида келтирилган сўзнинг “юз”

(рақам) ва “том” маънолари тушунилади. Шунинг учун керакки, туркий тиллар ва ўзбек тили нуқтаи назаридан қаралганда бу ҳолат турлича мавқе касб этади. Биз ўз тадқиқотимизда фақатгина ўзбек адабий тили жиҳатидан ёндашамиз.

Товушларнинг алмашиши икки хил бўлади:

1. Мунтазам товуш алмашинуви;
2. Жузъий (қатъий бўлмаган қонунятга бўйсунмаган) товуш алмашуви.

Товушларнинг мунтазам алмашиниши **товушларнинг мос келиш** қонуни деб аталади.

Мунтазам товуш алмашинувида бир шевадаги (лаҳжа) маълум бир ўриндаги товушнинг иккинчи бир шевада мунтазам равишда бошқа бир товушга мос келиши айтилади. Мунтазам товуш алмашинувлари маълум сўзлар доираси билан чекланмайди, маълум бир товушнинг маълум бир ўриндаги ҳолатига тегишлидир. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “о” товуши эски ўзбек ва эски туркий тилида “а” нинг бир фонетик кўринишига мос келади:

Андин анга от эди оби равон,

Бор эди ул руҳи равондин нишон.

Илм элининг васфи жаҳондин фузун,

Ҳарна гумон айласанг *ондин* фузун. (Нишотий).

Шундай қонуниятларни ўзбек тилидаги и,у,ў,а товушларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ундош товушлар орасида мос келиш бўйича бир неча қонунлар очилган:

1. Қарлуқ ва қипчоқ лаҳжасида сўз бошидаги жарангсиз “т”, “к” товушларига ўғуз лаҳжасидаги жарангли “д”, “г” товушлари мос келади:

Бу тарихни бир кишига таклиф қилали *теб* фикр қилдуқ. (Абулғозий Баҳодирхон).

Латофатлиқ жаҳонсўз, дилбари раъно Ҳувайдо,

Олибдур ақлу хушумни, *деманглар* анда бор идрок. (Ҳувайдо).

2. Қарлуқ ва қипчоқ лаҳжасида сўз бошидаги “м” товушига ўғуз лаҳжасидаги “б” товуши мос келади:

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,

Баски одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас. (Машраб).

Кулди, айди: “Бу кеча хилватдаман,

Шум рақиблар билмасун, борғил *бусуб*”. (Хувайдо).

Жузъий (қатъий бўлмаган қонунятга бўйсунмаган) товуш алмашуви қатъий қонунят топиш қийин. Масалан: қарлуқ лаҳжасидаги *йигламоқ* феъли ўғуз лаҳжасида *агла-* шаклига эга. Агар ўғуз лаҳжасида қарлуқ лаҳжаси тилларидаги сўз бошида “й”нинг тушиб қолиши қатъий қонунят бўлса, “и”нинг “а”га мос келиши қонунят эмас, балки жузъий ҳодисадир.

Худди шунингдек, товуш тушуши ҳодисаси қуйидагичадир:

1. Сўз бошида товуш тушуши:

Азалдин ошно бўлмак тақдири худо, Машраб,

Бу ҳижрон *илгидин*, эй дустлар, жоним қутулгайму. (Машраб).

Туркий тилларнинг типологик хусусиятига кўра ушбу сўз ўғуз лаҳжаси тил бирлиги бўлиб ҳисобланади. Унинг қарлуқча меъёрий шакли *қўл*, *йилик*дир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўз бошида тор унлилардан олдин “й”, “ж” ундошларининг тушуб қолиши қатъий қонунятдир.

2. Сўз ўртасида товуш тушуши:

Наманган *шаҳридин* кетсам, мени йўқлар киши борму?

Ғариблик *шаҳрида* ўлсам, мени йўқлар киши борму? (Машраб).

Бу байтда ўзакка эгалик қўшимчаси қўшилиши натижасида (шаҳар+и) бир “а” товуши тушиб қолган. Бундай ҳолат тилимиз учун қатъий қонунят бўлиб ҳисобланмайди. Яъни маълум сўзлардагина шундай ҳодиса юз беради, холос. (Қиёсланг: қўл+им=қўлим).

Шу билан бир қаторда, сўзда нутқ товушларининг ўрин алмашиши ҳодисаси, тақлидчилик, ижодкорнинг ўзига хос услуби ва она шеваси билан

боғлиқ товуш ўзгаришларини ҳам фонетик ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин.

Фонетик қонуният деганимизда, бир сўзнинг икки лаҳжадаги кўриниши ёки икки бутунлик, система тушунилади.

Бу қонунятга сингормонизм, аруз вазни талаби, қофия, изофа ва пайравликни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Товушлар уйғунлиги (сингормонизм) (грекча *син* – ўхшаш, *ҳармони* – оҳанг) туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусиятларидандир. Товушлар уйғунлиги деб, сўзнинг ўзак ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, бир-бирига ўхшаш бўлишига айтилади. Уйғунлик фонетик ҳодисалардан бири бўлган товушлар сингиши (ассимиляция)нинг бир туридир⁷⁴. Товушлар уйғунлиги таъсири остида туркий тиллардаги ҳар бир қўшимча бир неча фонетик кўринишга эга бўлади. Улар уйғунликнинг фонетик кўриниши деб айтилади. Олдинги унлини кейинги унлиги ёки олдинги ундошни кейинги ундошга таъсирига кўра унлилар ёхуд ундошлар уйғунлигига бўлинади.

Унлилар уйғунлиги. Сўзнинг ўзагидаги унли товушлар қўшимчадаги унли товушларни ўзига мослаштириши унлилар уйғунлиги дейилади. Унлилар уйғунлиги тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Маълумки, унлилар уч белги (кенг-торлик, қаттиқ-юмшоқлик, лабланган-лабланмаганлик) кўра тасниф қилинади. Ўзакдаги унли товушнинг қўшимчадаги унли товушга ҳар учала белги асосида мослашиши унлиларнинг тўлиқ гармонияси дейилади. Унлиларнинг тўлиқ гармонияси жуда кам учрайди. Ўзакдаги унлиларнинг қўшимчадаги унлиларни баъзи белгиларига кўра ўзига мослаштириши унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги дейилади. Ўзбек тилининг турли тараққиёт босқичларида унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги тарқалган. Ўзбек тили

⁷⁴ Неъматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Т., Ўқитувчи, 1992. 45 б.

тарихида танглай (палатал-веляр, лингвиал) ва лаб (лабиал) уйғунлигини учратамиз⁷⁵:

Танглай уйғунлигида сўзнинг ўзагидаги қаттиқ унлилар қўшимчадаги унлиларни ҳам ўзига мослаб қаттиқ ёки ўзакдаги юмшоқ унлилар қўшимчадаги унлиларни юмшоқ бўлишини талаб қилган:

Ёраб, нечук балодур *бошимга* шоми ҳижрон,

Не *дардига* ниҳоят, не *меҳнатига* поён. (Нишотий).

Нишотий ижодидан олинган ушбу парчадан кўриниб турибдики, *бош*, *дард*, *меҳнат* сўзларидаги унлилар қаттиқ бўлганлиги учун қўшимчадаги унлилар ҳам (-*га*) қаттиқ бўлган. Яъни ўзакдаги унлилар қўшимчадаги унлини ўзига мослаштирган.

Аршнинг кунгурасин устиға *қўйдум* оёғим,

Ломакондин хабар олдим, бул маконни на қилай. (Машраб).

Бу байтдаги “қўймоқ” феълида лабланган унли фонема қўшимчадаги унли фонемани ўзига мослаштирган ва натижада “-дум” шакли ҳосил бўлган. Агарда ўзакда унли фонема лабланмаган бўлганда эди, қўшимча “дим” шаклида бўларди.

Шунинг учун қўшимчаларнинг камида икки варианты (қаттиқ ва юмшоқ) бўлади.

Ундошлар уйғунлиги ҳам тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади. Ундошларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тилларда йўқ ҳисоби. Ўзбек ва унга яқин бўлган уйғур тилларида ундошларнинг жарангли-жарангсизлик ва чуқур-саёз тил орқалик белгилари асосида уйғунликни кўриш мумкин⁷⁶.

Етса торожи ҳаводис, жамъ ўлуб авбоша дер:

“Саҳмгин солиб сурон ур, молин *олғил* сортни”. (Турди Фароғий).

Бу байтда *ол* сўзидаги ундош қаттиқ бўлганлиги учун қўшимчадаги ундошни ҳам ўзига мослаб (-*гил*) қаттиқ бўлишига сабаб бўлган.

⁷⁵ Кўсатилган асар. 46 б.

⁷⁶ Кўсатилган асар. 46 б.

Ёр жилва била *боқти* руху жон бўлди кабоб,

Ушбу ҳодисни бошиға солмағайди кошки. (Машраб).

Байтдаги *боқ* феъли жарангсиз ундош билан тугагани учун қўшимча ҳам жарангсиз ундош (-ти) билан бошланган, яъни мослашган.

Бизга маълумки, ўзбек адабиёти минг йиллик тарихида назм насрдан устунлик қилиб келди. Назмда эса моҳиятан метрик табиатли аруз вазни ҳукмрон эди. Аруз вазнида, хусусан, туркий назмда бўғиннинг чўзиқ/қисқалиги кўп ҳолатда унинг очик ва ёпиқлиги билан белгиланади ва ўғуз унсурлари ёпиқ бўғинни очикқа, очик бўғинни ёпиқ бўғинга айлантиришининг энг қулай воситаларидандир. Шунинг учун бу давр ёдгорликларида ҳам баъзи бир фонетик қонунятлар вазн ва қофия талаблари билан қўлланиши кенг тарқалган:

1. Ёпиқ бўғинни очиб, чўзиқ ҳижони қисқа ҳижога айлантириш учун;
2. Очик бўғинни ёпиб, қисқа ҳижони чўзиқ ҳижога айлантириш учун;
3. Қофияни таъминлаш учун;
4. Рукндаги ҳижолар сонини тенглаштириш учун;
5. Ўта чўзиқ ҳижони оддий чўзиқ ҳижога айлантириш учун.

Эй қуёш, субҳи узоринг бирла мағрур *ўлмағил*,

Бир нафасда шом *ўлур*, албатта масрур *ўлма\ил*. (Ғозий).

Ғозий қаламига мансуб бўлган ушбу байт арузнинг рамали мусаммани маҳзуф тармоғида ёзилган. Бу байтда қўлланилган *ўлмоқ* сўзи аслида *бўлмоқ* шаклида қўлланилиши лозим. Сўзнинг бу шаклда ишлатилиши ўзидан олдин келган ўта чўзиқ ҳижоларни (-рур ва шом) оддий чўзиқ ҳижоларга айлантириш (-ру-р ўл ва шо-м ўл) учун хизмат қилган.

Ёки,

Кўнгул мажнунинг *ўлди* ишқ журми бирла ўлдирма,

Банимдек мубталодин жавр таркини раво кўрма,

Рақиб рўсияш бирла даме ўлтурмаву *дурма*,

Лабинг сиррин *чекиб* гуфтора *бандан* ўзгадан сўрма,

Бу пинҳон нуқтани бир вақифи асрор ўландан сўр. (Амир).

Фузулийнинг «ўландан сўр» радифли ғазалига ёзилган Амирнинг бу мухаммаси арузнинг ҳазажи мусаммани солим тармоғида битилган. Унда акс этган *ўл* (бўл), *бан* (ман), *дур* (тур), *гел* (кел)-қуйидаги сабаблар асосида ишлатилган.

1. Мухаммаснинг биринчи мисрасидаги *ўл* шакли рукннинг 1-ҳижоси (-инг) қисқа бўлиши (-и-нг ўл) учун қўлланилган.

2. Охирги мисрадаги *ўл* шакли ўзидан олдинги ўта чўзиқ ҳижони (-рор) оддий чўзиқ ҳижога айлантириш (-ро-р ўл) учун ва меъёрий бирлик сифатида (охирги байт Фузулий қаламига тегишли) ифодаланган.

3. Ушбу бешлик Фузулий ғазалига мухаммас бўлиб, ғазал оҳанги, Фузулий услубини сақлаб қолиш учун *бан*, *дур* шакллари ишлатилган. Шунинг учун шоир Фузулийга тақлид қилиб, ўзбек адабий тили учун ғайрилисоний шакллари фонетик қонуният сифатида қўллаган.

Кўрилаётган давр назмий асарларида изофа ҳам борки, у ҳам фонетик қонуният сифатида баҳоланиши мумкин. Аммо изофа соф фонетик шакл бўлмай синтактик воситадир, яъни икки сўзни бир бирига боғлаш учун хизмат қилади:

Мени(нг) озода бошимни гирифтор таъма қилдинг,

Мудомат бермас ўлсанг нега бердинг *ваъдаи хоми*? (Турди).

Берилган байтдаги *ваъдаи хоми* сўз бирикмасидаги «и» изофа бўлиб у икки сўзни – ваъда ва хом – боғлаш учун хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганимизда, фонетик ҳодисаларнинг ҳосил бўлиш йўлларида бири турли туркий лаҳжаларнинг қоришуви бўлиб, булар фонетик қонуниятларни ҳам ҳосил қилган. Шу билан бирга, қуйидаги тушунчаларга

а) фонетик ҳодиса ва фонетик қонуниятлар ўзаро ўхшашлиги;

б) фонетик ҳодиса ёки фонетик қонуниятларнинг ҳосил бўлишига турли лаҳжаларнинг қоришуви сабаб бўла олиши;

в) фонетик зарурат ва фонетик ҳолатни ўзаро фарқлаш;

в) мактаб дарсликларида мазкур масалаларни қай тарзда берилиши ва унинг ўқувчиларга етказилишига алоҳида эътибор қаратмоқ лозимдир.

Тадқиқотимизнинг кейинги бобларида ана шу икки ҳолатга – **фонетик ходиса ва фонетик қонунят** – борасида фикр юритамиз

2-БОБ. XVII-XIX АСР ЛИРИКАСИДА ФОНЕТИК ҲОДИСАЛАР

Эски ўзбек адабий тили даври сифатида баҳоланадиган XVII-XIX аср назми ёзма адабий ёдгорликлари сифатида Нишотий, Салоҳий, Ҳувайдо, Сиддиқ, Роқим, Умар Боқий, Киромий, Амир, Фазлий, Хон, Ғозий, Хижлат, Махмур, Гулханий, Мужрим Обид, Мунис Хоразмий, Увайсий, Нодира, Шавқий, Хиромий, Огаҳий, Нодир каби ижодкорларнинг асарларини мисол келтириш мумкин. Бу давр адабий тили қатъий меъёрлар, хусусан, Мир Алишер асарлари асосида иш кўрар эди. Чунки кўчманчи туркийлар (ўзбеклар) бу давр адабий тили меъёрлари сифатида Мир Алишер асарлари тилини қабул қилган эдилар. Ҳаттоки, айрим бир ижодкорлар ўзларига Алишер Навоийни пир деб билганлар:

Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдурур,

Мунисга маоний йўлинда пирдурур.

Йўқ ғайрият андин ўзгаким айтурлар:

-Бу Шермуҳаммад, ул Алишердурур.(Мунис).

Шунинг учун ушбу давр назмида учрайдиган айрим бир фонетик шакллар Мир Алишер асарларидагидек, фонетик ҳодисалар (товуш алмашуви, товуш тушуши, ўрин алмашиши), қофия, оҳанг ва бадий санъатлар талаби билан ишлатилган. Шу билан бу давр бадий адабиётида забардаст шоирларга пайравлик қилиш анча авж олди. Хусусан, Қўқон адабий муҳитида, озарбайжонлик шоир Фузулийга тақлидчилик оммалашди. Бу эса ушбу даврда айрим бир фонетик ҳодисаларни сунъий равишда юзага келишига сабаб бўлди. Аммо барча пайравлик асарлари ҳақида ушбу фикрни айтиш ўринсиздир. Чунки назира боғланаётган асарнинг услубини сақлаб қолиш учун ҳам ғайрилисоний шакллар ифодаланилади. Қуйида ана шу масала шарҳига ўтамиз.

2.1. Давр назмий асарларда турли товуш ўзгаришлари.

Ўзбек тилшунослиги дарслик қўлламаларида фонетик ҳодисалар қуйидагича талқин қилинади.

Нутқ жараёнида сўзларни талаффуз қилганимизда товушлар ўзаро бир-бирига таъсир қилади, натижада, товуш ўзгариши юз беради.

Сўзлардаги товуш ўзгариши, аввало, икки кўринишга эга:

1. Комбинатор ўзгаришлар; 2. Позицион (ташқи) ўзгаришлар.

Сўз таркибидаги ўзгаришларнинг ўзаро таъсирига кўра ўзгариши комбинатор ўзгаришлар дейилади.

Комбинатор ўзгаришлар қуйидаги кўринишларга эга.

Ассимиляция, диссимиляция, метатеза, элезия⁷⁷.

Ассимиляция. Нутқ товушлари қатор келганда баъзан бир-бирига таъсир қилиб, бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Нутқдаги бундай ҳодиса ассимиляция дейилади. Ассимиляция икки хил бўлади: прогрессив ассимиляция ва регрессив ассимиляция. Агар олдинги товуш кейинги товушни ўзига ўхшатса, мослаштиради, прогрессив ассимиляция юз беради: *кет+ди=кетти, айт+ди=айтти, от+дан=оттан, юрак+га=юракка*.

Кейинги товуш олдинги товушга таъсир қилиб, уни ўзига ўхшатса, мослаштиради, регрессив ассимиляция юз беради: *йигит+ча=йигичча, ёз+син=ёссин, уч+сўм=уссўм, уз+син=туссин*.

Регрессив ассимиляция одатда прогрессив ассимиляцияга нисбатан нутқда камроқ учрайди. Чунки ассимиляциянинг бу турида кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаштиради. Демак, талаффуз жараёни бошланмасдан бурун сўзнинг талаффуз технологияси ҳақидаги тасаввур ҳам ҳосил бўлмоғи лозим.

Ассимиляция тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин.

Тўлиқ ассимиляцияда бир товуш иккинчи товушга айнан мослашади ва тўлигича унинг тусига киради. Юқорида келтирилган сўзларнинг ҳаммаси тўлиқ ассимиляцияга мисол бўлади.

⁷⁷ Э.Қиличев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бакалавр – ўзбек филологияси ихтисослиги учун қўлланма. Тўлдирилган 4-нашри.–Бухоро, «Бухоро университети». 2009, 34 б.

Қисман ассимиляцияда нутқ товушларидан бири иккинчисини бирон томондан қисман ўхшатади (мослаштиради): *ош+га-ошика*, *иш+га-ишика*, сўзларида жўналиш келишигидаги *с* товуши олдинги *ш* товушининг таъсирида *к* товушига айланмоқда. Бу сўзда қисман ассимиляция юзага келмоқда, яъни (г) жарангли товуши ўзидан олдинги (ш) товушига фақат бир томонлама – жарангсизланиш томонидан ўхшамоқда, холос, лекин тўлиқ унинг тусига кирган эмас. [*Учта*] лексемасининг ушта, [*почта*] лексемасининг пошта деб талаффуз қилиниши ҳам шу ҳодисага мисол бўла олади.

Диссимиляция. Оғзаки нутқда товушлар доимо бир-бирига ўхшай бермасдан, баъзан унинг акси бўлади. Айрим пайтда талаффузда икки ўхшаш товуш бир жойда ёки бир сўзда келган вақтда улардан бири ноўхшаш товушга айланиб ҳам қолади. Бундай ҳодиса диссимиляция каби прогрессив ва регрессив бўлади.

Кейинги товуш ноўхшаш товушга айланса, прогрессив диссимиляция юз беради: *зарар-зарал*, *зарур-зарил*, *бирорта-биронта*, *муяссар-муястар*, *кисса-киса* каби.

Олдинги товуш ўзгарса, регрессив диссимиляция юз беради: *малол-марал*, *коридор-калидор*, *иттифоқ-интифоқ* каби.

Диссимиляция ҳодисаси одатда жуда кам учрайди. Ҳатто ассимиляциянинг регрессив турига нисбатан ҳам анча кам қўлланади.

Метатеза. Оғзаки нутқда баъзан ёнма-ён келган ундош товушларнинг ўрни алмашиши мумкин. Нутқдаги бундай жараён метатеза дейилади: **р-й:** *дарё-дайро*; **м-ғ:** *ёмғир-ёғмир*, **б-р:** *тебратмоқ-тарбатмоқ*; **м-л:** *ямламоқ-ялмамоқ*; **ҳ-в:** *аҳвол-авҳол*; **п-р:** *тупроқ-турпоқ*, **р-г:** *ўрганмоқ-ўгранмоқ*; **ғ-р:** *тўғрамоқ-тўрғамоқ*, **н-м:** *айланмоқ-айналмоқ* ва бошқалар.

Протеза. Сўз бошида битта унлининг орттирилиши протеза ҳодисаси саналади. Одатда, аксарият сонор *р* товушидан олдин *ў* ва унлилари

орттирилади: *рўмол-ўрамол, рўза-ўраза, райҳон-раҳон, рози-рози, раис-раис, ранг-ранг, рўзгор-ўразгор* каби.

Айрим ҳолатда сўз бошида сирғалувчи ва портловчи икки ундош қатор келганда *и* унлиси орттирилиши мумкин: *ишаф-ишшаф, справка-исправка, стол-истол, стул-истул, иштраф-иштараф, станция-истанса*.

Эпентеза. Сўз бошида, ўртасида ва охирида икки ундош қатор келганда, улар орасида *и*, баъзан *у* ва *а* унлиси орттирилади: *фикр-фикир, ҳукм-ҳукум, доклад-дакалад, класс-киласс*.

Эпентеза сўз охирида бир ўринда келган икки ундошдан сўнг *а* товушининг қўшилиш ҳодисасидир: *диск-диска, банк-банка, танк-танка, киос-киоска, отпуск-отпуска* каби.

Прокопа. Бунда сўз бошида баъзан унли ёки ундош товуш тушиб қолади: *йироқ-ироқ, йигна-игна, йигач-ағач, йирик-ири, юз-уз*.

Синкопа ҳодисасига биноан сўз ўртасидаги ва охиридаги кенг унлилар тор унлилар каби талаффуз қилинади ва айрим ҳолатларда тушиб қолади: *валочка-валичка, трактор-трактир, автор-автир, директор-директир, генератор-генератир* каби.

Апакопа сўз ўзагидаги охирги унли ёки ундошнинг тушиши ҳодисасидир: *дўст-дўс, хурсанд-хурсан, газета-газит, смена-смен* ва ҳоказо.

Синерезис ҳодисасига кўра сўз ўртасида бир жойда келган икки унлининг бири кучсизланади ва нутқда тушиб қолади. Иккинчи унли фонема эса чўзиқ таффуз этилади: *маориф-мо:риф, саодат-со:дат, қироат-қиро:т, жамоат-жамо:т*. Бу ҳодиса асл ўзбекча сўзларга хос эмас.

Редуксия сўзнинг биринчи бўғинида бирор унлининг, одатда, тор унлининг кучсизланиб талаффуз қилинишидир. Масалан, бир, бил, тил сўзлари бир бўғинли бўлганлиги ва урғу шу сўздаги *и* унлисига тушганлиги туфайли бу сўзлардаги *и* унлиси меъёрдагидек талаффуз қилинади ва эшитилади. Лекин шу сўзларнинг охирига иккинчи бир бўғин қўшилиши билан, урғу ҳам иккинчи бўғинга кўчади. Натижада биринчи бўғинидаги *и*

унлиси кучсизланади ва эшитилар-эшитилмас ҳолда суст талаффуз қилинади: *билак, тилак, бироқ*. Биринчи бўғиндаги урғуларнинг ана шундай кучсизланиб талаффуз қилиниши редукция ҳодисасига мисол бўла олади (редуксия сўзининг луғавий маъноси "кучсизланиш", "орқага қайтиш", "пастга тушиш" демакдир). Редуксияга қуйидаги сўзларнинг биринчи бўғинида келган *и* нинг кучсизланиб талаффуз қилиниши ҳам мисол бўла олади: *пишиқ, шира, пишак, қилиқ, ичак* каби. Редуксиянинг иккинчи бўғинда келиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бу ҳодиса сўзга учинчи бўғин қўшилганда содир бўлади - иккинчи бўғиндаги унли тамоман кучсизланиб, тушиб қолади. Масалан, *бурун-бурни, бўйин-бўйни, эгин-эгни, кейин-кейини* сингари.

Элизия. Унли билан туговчи ва унли билан бошланувчи икки сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушдан бирининг тушиб қолиш ҳодисасидир. Бунда бир неча ҳолат кузатилади: а) биринчи сўз охиридаги унли тушиб қолади: *ёза олади - ёзолади, бора олади - боролади, қора от- қорот*; б) унли билан бошланувчи иккинчи сўзнинг бош унлиси тушиб қолади: *борар экан - бораркан, борар эмиш-борармиш, ёзган экан - ёзганкан* каби; в) Абдусалом сўзининг Абсалом, Абдужаббор сўзининг Абжаббор, олиб кел сўзининг опе тарзида талаффуз қилиниши натижасида бир унли ва бир ундошнинг тушиб қолиши ҳам элизиянинг юқори, мураккаблашган кўринишидир.

Ушбу тадқиқотимизда юқорида баён этилган фонетик ҳодисаларнинг айримларни умулаштирган ҳолда **товуш алмашиши, товуш тушуши** ва **товуш ўрин алмашиши** номлари остида бирлаштириб, давр назмий асарлари мисолида кўриб ўтишга ҳаракат қилдик.

А) товуш алмашиши.

Қилмадим шукронаи, солдирди *туфроқ* ошима,

Қолмади жуз дарду ғам ҳамдам, мусоҳиб қошима. (Турди).

Ҳама эл бахтидин илгига олса хок зар бўлди,

Мани илгимдаги зар шул замон *туфроқ* ҳамон бўлди. (Хувайдо).

Келтирилган байтдаги *туфроқ* сўзи ҳозирги меъёрий ҳолда *тупроқ*⁷⁸ шаклидадир. Бу ерда сўзнинг мазкур тарзда қўлланилиши ё шоирнинг ўз даври учун меъёр, ё она тили (шеваси) билан боғлиқ ҳолдир. Чунки замонлар ўтиши билан маълум бир давр (замон) учун меъёр бўлган тил бирлиги иккинчи бир давр учун номеъёрий шаклга кириши оддий ҳолдир. Шу сабабли, Турди ижодидан олинган ушбу байтдаги *туфроқ* сўзининг фонетик ҳодиса сифатида баҳоланиши табиийдир.

Эй маҳи номехрибоним, нолаи зоримға боқ,

Ҳам хазон *яфроғи* янглиғ зард рухсоримға боқ. (Хувайдо).

Хувайдо ижодидан олинган ушбу байтда қўлланилган *яфроғи* лексемасининг меъёрий бирлиги *япроқ*⁷⁹ дир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу лексеманинг шу кўринишда бўлиши ўз даври учун одатий ҳолдир.

Эй юзи *қаро*, кўзи кўр, кулоғи кар беклар,

Билингиз бу сўзими панд саросар, беклар. (Турди).

Бу байтдаги *қаро* сўз адабий меъёрий шакли *қора*⁸⁰ дир. Лекин сўзнинг *қора* кўриниши ҳам вазн талаби билан (чўзиқ ва қисқа ҳижо) қўлланилган. Демак, *қаро* шакли шу давр учун меъёрий ҳол бўлган.

На савдолар боша солдинг бу савдолар *туганмазму*,

Ки банд эттинг аёғларни яна бандлар *туганмазму*. (Машраб).

Машраб лирикасидан олинган ушбу байтда *–мас* кушимчаси *–маз* шаклида қўлланилган. Бу ҳол туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили учун оддий ҳолдир. Чунки ўзбек шевалари орасида ва туркий тиллар орасида бундай мос келишлар ҳозир ҳам учраб туради. Шундай экан, бу каби шакллари фонетик ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин.

Кулди, айди: “Бу кеча хилватдаман,

Шум рақиблар билмасун, борғил *бусиб*”. (Хувайдо).

⁷⁸ O‘zbek tilining kirill va lotin alifbolaridagi imlo lig‘ati.–Т., «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. 2012, 314 b. (Кейинги ўринлар луғатдан олинган изоҳлар «Имло» сўзи билан берилади).

⁷⁹ Имло. 382 б.

⁸⁰ Имло. 406 б.

Манга *эмди*, аё кўнглум, умиди шодлик йўқдур,
Кетарман доғ ҳасратда бу дунёдин ўлуб ношод. (Хувайдо).
Тан сизиб оқти судек, бўлдум чу лахти устихон,
Ковладим *доғи* жигарни, қатраи қон топмадим. (Хувайдо).
Эй маҳи номехрибоним, нолаи зоримға боқ,
Ҳам хазон *яфроғи* янглиғ зард рухсоримға боқ. (Хувайдо).

Хувайдонинг турли ғазалларидан олинган бу байтлардаги ушбу товуш алмашилишлари, яъни ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан, аввало, ўз даврининг ва она тилисининг (шевасининг) хусусиятлари билан боғлиқ дейиш мумкин. Чунки, биз таҳлил қилаётган давр адибларининг назмий асарларида шу сўзларнинг ана шу ҳолдаги кўриниши меъёрий шакл сифатида эркин қўлланилган. Шу сабабли мазкур кўринишларни, баён қилганимиздек, ҳозирги адабий тил жиҳатидан фонетик ҳодиса (товуш алмашилиши) сифатида баҳолаймиз. Охирги байтда келтирилган *яфроғ* сўзи ҳозирги адабий тил меъёри бўйича *япроқ*⁸¹ кўринишида бўлиши лозим эди. Энди сўзнинг бу шаклда қўлланишига икки сабаб бор. Биринчидан, бизга маълумки, “ф” товуши форс-тожик тилидан ўзлашгани учун туркий халқлар (жумладан ўзбеклар ҳам) доимий равишда “п” товуши билан алмаштириб қўллаганлар ва ҳозирда ҳам шундайдир. Масалан: Фарида-Парида, фатир-патир, фақир-пақир... Иккинчидан, сўзга III шахс эгалик қўшимчаси қўшилганлиги учун сўз охиридаги “қ” товуши унли товуш таъсирида жаранглилашган, яъни “ғ” товушига айланган. Шу сабабли бундай ҳолатларни фонетик ҳодиса сифатида баҳолаш ўринлидир.

Б) товуш тушуши.

Бу давр назмий асарларда ўзбек адабий тилидаги фонетик ҳодисаларнинг яна бир кўриниши товуш тушушиларини кўриш мумкин.

Давр ижодкорларининг лирик асарларини таҳлил қилганимизда, асосан, эгалик қўшимчасини олиш орқали ўзакдаги бир унли товушнинг

⁸¹ Имло 382 б.

тушуб қолишини гувоҳи бўлдик. Фикримизни асослаш учун Машраб ва Ҳувайдо ижодидан мисоллар келтирамиз.

Кишига ишқ ўтидин зарраи етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат юрак-*бағри* чунон ўртар. (Машраб).
Ҳажр аҳли келди тутти ёқомдин,
Бағримни тилғил пайкони ғамдин,
Минг доду фарёд ушбу ўлумдин,
Ёрға етар кун борму, ёронлар? (Машраб).
Сани *илгингдин*, эй дилбар, муҳаббат жомини ичсам,
Ўшал кундин бери билмай ўзум мастоналар бўлдум. (Ҳувайдо).
Ваҳдат майини пири муғон *илгидин* ичтим,
Мансур каби дорға бошимни осақолдим. (Машраб).
Ҳама эл бахтидин *илгига* олса зар бўлади,
Мани илгимдаги зар шул замон туфрок ҳамон бўлади. (Ҳувайдо).

Шу билан бир қаторда бошқа сабаблар билан ҳам давр ижодкорлари назмида бир қатор товуш тушишларини кўриш мумкин:

Наманган *шаҳридин* кетсам, *мени* йўқлар кишим борму?
Ғариблик *шаҳрида* ўлсам, *мени* йўқлар кишим борму? (Машраб).
Тан сизиб оқти *судек*, бўлдум чу лахти устихон,
Ковладим доғи жигарни, қатраи қон топмадим. (Ҳувайдо).

Кўриниб турибдики, “шаҳар” сўзида бир унли товуш (эғалик кўшимчаси) олиш орқали ўзакда бир унли товуш тушган бўлса, “мени” сўзида эса “мен” сўзига ўғуз лаҳжаси тушум келишиги кўшимчаси бўлган “-и” қушилган. Ёки “су” сўзи ҳам ўғуз лаҳжаси тил бирлиги ҳисобланади (унинг қарлуқ-чигил-уйғур шакли “суғ”, кипчоқча шакли “сув”⁸²). Шунинг учун бундай шаклларда товуш тушуши йўқ.

⁸² Суғ шакли ҳозирда *сугормоқ* сўзида сақланиб қолинган.

В) товуш ўрин алмашиши.

Ўрганилаётган давр лирикасида яна бир фонетик ҳодиса – товушларнинг ўзаро ўрин алмашишини кўриш мумкин.

Нозу-истигно била келиб мени ҳолимни сўр,

Телмуруб дойим йўлунгда чашми гирёним мени. (Машраб).

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,

Телмуруб йўлида қолдим шоҳи бадху келмади.

Неча келди шум рақиблар, ул пари рў келмади,

Дардидин ўлдум, вале дардимга дору келмади.

Мен шаҳиди ишқ бўлдум катраи сув келмади. (Машраб).

Машраб ғазалидан олинган байт ва мухаммасда қўлланилган «телмуруб» сўзи ҳозирги адабий тилда «термулиб» шаклид ишлатилади. Давр ижодкорлари назмида бу сўзнинг «телмуруб» кўринишида қўлланилиши учратмадик. Демакки, сўзнинг шу кўринишда ишлатилиши Машраб ижодига хос хусусият деган хулосага келиш мумкин. Яъни бадий услубни кўтаринки руҳда, ўзига хос бир услубда бериш деб изоҳлаш лозим.

Ўлтурурға келди ёрим бошим узра ҳой-ҳой,

Ғамзасин жаллод этиб, *киртик* қиличин олиб. (Ҳувайдо).

Бу байтдаги *киртик* сўзи ҳозирги адабий тилда *киприк*⁸³ шаклида қўлланилади. Шу сабабли бу сўздаги товуш алмашинишларни фонетик ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Ижодкорнинг бу шаклдан фойдаланиши унинг она шеваси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2.2. Тақлидчилик.

Давр лирикасида яна шундай фонетик ҳодисалар учрайдики, улар соф тақлидчилик билан боғлиқдир. Аммо бундай ҳолат, фақатгина, Қўқон адабий муҳитида ижод қилган – Амир Умархон ва Нодирабегимнинг фарзанди Маъдалихон (1808-1842) – Хон лирикасида учрайди.

⁸³ Имло, 175 б.

Дирилур зор таним лаъли дурахшонингдин,
Очилур уқдаи дил ғунчаи хандонингдин.
Чарх овжина бироқдим адами шуълаи оҳ,
Дун кеча ҳасрати ул сарви хиромонингдин.
Верирам истадигинг жон эса, йўх имкони,
Подшоҳим, банга чихмак сени фармонингдин.
Зарра-зарра шарари чарха чикан анжумдур,
Ўда ёҳқож таними оташи ҳижронингдин.
Қатра-қатра сочилур қон гежалар чашмимдин,
Руҳи гулгунунг ила зулфи паришонингдин.
Гежа ўлдуқча фалак ера бироқса гунашин,
На ажаб шаъшаъаи меҳри дурафшонингдин.
Бир ёлон сўз ила чўх инжима, эй моҳлиқо,
Ишқ мулкини мусаххар эдажак Хонингдин.

Ушбу ғазални меъёрий қарлуқча бирликлар билан алмаштириб
чиқамиз:

Тирилур зор таним лаъли дурахшонингдин,
Очилур уқдаи дил ғунчаи хандонингдин.
Чарх овжига бироқдим адами шуълаи оҳ,
Тун кеча ҳасрати ул сарви хиромонингдин.
Берирарман истаганинг жон эса, йўқ имкони,
Подшоҳим, манга чиқмак сени фармонингдин.
Зарра-зарра шарари чархга чиққан анжумдур,
Ўта ёқгач танимни оташи ҳижронингдин.
Қатра-қатра сочилур қон кечалар чашмимдин,
Руҳи гулгунунг ила зулфи паришонингдин.
Кежа ўлгунча фалак ерга бироқса қуёшин,
Не ажаб шаъшаъаи меҳри дурафшонингдин.
Бир ёлғон сўз ила кўп инжима, эй моҳлиқо,

Ишқ мулкини мусаххар этажак Хонингдин.

Кўриниб турибдики, арузнинг рамали мусаммани махбуни мактуъ (VV--|VV--|VV--|--) тармоғида ёзилган ушбу байтда, ғазал вазни, оҳанги ва мазмунида ҳеч қандай ўзгариш йўқдир. Шунинг учун бундай ғазалларни бемалол тақлидчилик сифатида баҳолаш мумкин. Тўғри, шу даврда Қўқон адабий муҳитида Фузулийга пайравлик, унинг ижодидан илҳомланиш, бадий кўтаринкалик ва юқори услубда ижод қилиш анча авж олган эди. Хон (Маъдалихон) эса бу борада бир оз меъёрдан ортиқроқ пайравлик қилган. Оқибатда келтирилган ғазали каби унинг айрим бир лирик асарлари тақлидчилик намунаси бўлиб қолган.

Юқорида баён этилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўрганилаётган даврда ижод қилган ҳар бир ижодкор лирикасида фонетик ҳодисалар турли сабаблар асосида юзага келган. Жумладан, бадий асарларнинг гултожи ҳисобланган назмий асарлардаги фонетик ҳодисалар алоҳидалик касб этади. Чунки назм илоҳийлик даражаси улуғланиб, унга алоҳида бир назар билан қаралган.

Бўлмаса эжоз мақомида назм,

Бўлмас эди тенгри каломида назм. (Алишер Навоӣ).

Шунинг учун гўзал бадий санъатларда, юқори услубда (пафос билан) ижод қилинган лирикада, она тилида (шевада) ва тақлидчилик асосида юзага келган назмда фонетик ҳодисаларнинг ҳозирги адабий тил нуктаи назаридан учраши табиий ҳолдир.

3-БОБ. XVII-XIX АСР ЛИРИКАСИДА ФОНЕТИК ҚОНУНЯТЛАР

Тадқиқ қилинаётган давр лирикасида бир қаторда, шундай фонетик шакллар ҳам борки, уларни фонетик ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин бўлмайди. Чунки улар маълум бир қонунятлар асосида юзага келган. Шу сабабли бундай фонетик кўринишларни фонетик қонунятлар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли боби ана шу масалага қаратилади.

Ишимизнинг биринчи бобида айтиб ўтилганидек, биз фонетик ҳодиса ва фонетик қонуниятларни ўзаро фарқлашга ҳаракат қилдик. Жумладан, тадқиқ қилинаётган давр назмий асарларида учрайдиган баъзи бир фонетик шаклларни – товушлар мос келиши, қофия талаби, сингормонизим қонуняти, пайравлик ва аруз вазни талаблари – ана шу фонетик қонунят сифатида баҳоланди.

3.1. Давр назмий асарларида товушлар мос келиши.

Туркий халқлар турли қабилаларнинг бирикуви асосида ташкил топган экан, бу ўз навбатида улар тилларидаги хилма-хилликларни ҳам юзага келтиради. Талаффуздаги фарқ, тафовут эса айти пайтда турли фонетик жараёнларни шакллантиради. Табиийки, туркий товушлардаги юмшоқлик, каттиқлик, кенглик ва торлик масалалари бир-бирига таъсир қилиши натижасида ҳам фонетик жараёнларнинг айримлари содир бўлади⁸⁴.

Туркий халқлар (тиллар) алоҳида (мустақил) ўсиб, тараққий қилиши натижасида айрим бир умумтуркий сўзлардаги маълум бир товушларнинг турли вариантлари юзага келди.

Тилимиз тарихида тор, лабланган “у” ҳамда тор, лабланмаган “и” унлиларининг тенг қўлланилган ҳолати ҳам учрайди: кумус (ўғузнома) – кимиз (Гулханий), ўгул (Тафсир) – ўгил (Бобурнома). Туркий тилларда

⁸⁴ Б.Тўйчибоев. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.–Т., Ўқитувчи, 1996. 55 б.

унлилардаги бундай мосликни баъзи турколог олимлар қайд этиб ўтганидек, худди шундай мослик ҳозирги ўзбек шеваларида ҳам учрайди. Масалан, адабий тилда **булут**, қипчоқ шевасида **билит**⁸⁵.

Қорлук, чигил, қипчоқ қабила тиллари учун хос бўлган “т”, “к” ундошларининг ўғуз қабилалари тилларида “д”, “г” тарзида талаффуз қилинганлиги Маҳмуд Кошғарийдан бошлаб то ҳозирги давр туркийшуносларгача таъкидлаганлар. Масалан: ўт – ўд, кел – гал...

Туркий тилларда бўлгани каби ўзбек шеваларида т–ч (арт–арч, карт–карч), қ–ғ (тупроқ–тупроғ), қ–х (чоқ–чох), с–ч (соч–чоч) ва бошқа товуш мос келишларини кўришимиз мумкин.

Ўқм жори, сўз қабули, бир дури даргўш эдим,

Аҳли давлатлар билан ёру ҳариф , ҳамдўш эдим,

Ўй-ҳойи базмларда шахд нўшо-нуш эдим,

Хуш замонлар Юз қазони бошида саржуш эдим,

Бу замон явғон қозон остида қолғон **юндиман**. (Турди Фарағий).

Келтирилган мухаммасдаги “юнди” сўзи “юнти” кўринишда ҳам ишлатилади. Бу ерда д-т товуш мос келиши ўғуз ва қорлук гуруҳ шеваларига хос хусусиятдир. Шу сабабли бундай сўзлардаги товуш мосликларини фонетик қонунят сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,

Баски одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас. (Машраб).

Машраб ғазалидан олинган бу байтда қўлланилган “мунча” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида “бунча”⁸⁶ шаклида қабул этилган. Лекин ўзбек шеваларида “мунча” варианты ҳам қўлланилади. Шу сабабли бундай сўзлардаги фонетик шаклларни товушлар мос келиши сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

⁸⁵ Б.Тўчибоев. Кўрсатилган асар. 56 б.

⁸⁶ Имло. 90 б.

Туркий тиллар тарихига назар ташласак, м-б товуш мос келиши (товуш алмашилиши эмас), асосан, икки лаҳжа – қарлуқ ва ўғуз – тил бирлиги ҳисобланади. Маълум даврлар ўтиши билан, яъни туркий тиллар қорушуви жараёнида бир тил оиласига кирувчи икки лаҳжа сўз бойлигини бир-бирига ўтганлигини ва ўша лаҳжа тил бойлигига айланганлиги гувоҳи бўламиз. Масалан, мангу, мурун, мана (қаруқ) – бангу, бурун, бана (ўғуз)...

Юқорида келтирилган мисралардаги **мунча–бунча** сўзлари ҳам ана шу ҳолат билан билан боғлиқ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида “бунча” варинати меъёрлашгани учун бу сўздаги **м-б** товуш мос келиши сифатида баҳолаймиз.

Шу даврда ижод этган бошқа шоирлар лирикасига нисбатан ҳам ушбу фикрларни айтиш мумкин:

Мунингдекдур кўрарсен боғи жаннат,

Баҳоридурки, йўқтур анга заҳмат. (Салоҳий).

Қошида муддаи махзуз сен маҳрум, эй Ғозий,

Мунунгдек юрганингдин яхшидур албатта ўлган ҳам. (Ғозий).

Шу билан бир қаторда бу давр лирикасида қушимчалар тарикибида ҳам товушлар мос еклишини кўришимиз мумкин:

Хуш ўт**кар** умри азизинг жаҳон ғамини емай,

Май ич, тириклик аро сиҳҳати бадан яхши. (Хувайдо).

Хувайдо қаламига мансуб ушбу байтдаги **ўткар** сўзидаги –кар қўшимчаси –каз⁸⁷ шаклида ҳам қўлланилади. Шундай экан бу сўзнинг қўшимчасидаги товуш мос келиши фонетик қонунятдир. Чунки ўзбек адабий тилида шу сўздаги қўшимчанинг икки кўриниши ҳам меъёр сифатида, яъни гоҳ –кар, гоҳ –каз шаклида қўлланилса эди, уни фонетик ҳодиса кўринишида баҳолаш мумкин бўларди.

Анодин қай куни туғдум, сенинг ишқингда оҳ урдум,

Муҳаббат доғида ўртаб, ўзум сайёра Машрабман. (Машраб).

Ул дилбари раъноға мен ёр бўлай дерман,

⁸⁷ Имло. 389; Ўзбек тили морфем луғати.–Т., Ўқитувчи, 1977, 325 б.

Май берса манга **андин** бир қатра тотай дерман. (Машраб).

Атосининг ҳузурин кўрмай ўлган,

Муроду мақсадина етмай ўлган.

Анонгдур мунтазир, йўлга қараб зор,

Сени келгай дебон ул зор-афгор. (Ҳувайдо).

Андин анга от эди оби равон,

Бор эди ул руҳи равондин нишон.

Илм элининг васфи жаҳондин фузун,

Ҳарна гумон айласанг **ондин** фузун. (Нишотий).

Келтирилган мисралардаги бу сўзларнинг икки фонетик шаклда қўлланилишини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Туркий тиллар, жумалдан, ўзбек тили тарихига назар ташласак, унлилар дивергенцияси ҳодисасига дуч келамиз. Унли товушларнинг тарихий тараққиёт натижасида бир фонема вариантларидан икки ва ундан ортиқ фонеманинг ривожланиши унлилар дивергенциясидир. Ўзбек тили тарихида дивергенсияга "а" (юмшоқ) ва "а" (қаттиқ) фонемаларининг вариантлари учраган. X-XIII асрларда биринчи бўғиндаги олд қатор кенг "а" (юмшоқ) икки вариантга: кенг "а" (юмшоқ) ва ўрта кенг "э" вариантларига эга эди ва булар орасидаги фонологик фарқ йўқ эди: آت (ат), ايت (ат-"эт, гўшт"), كئا (кал), كيل (кел). XIV асрга келиб, бу вариантлардан мустақил "э" фонемаси шаклланди. Иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда эса кенг "а" (юмшоқ), унинг қаттиқ вананти "а" билан бир индифферент "а"га бирлашади.

XI-XVII асрларда "а" фонемаси икки вариантга "а" (юмшоқ) ва "а" (қаттиқ) вариантларига эга эди. XVII асрдан кейин "о"ланиш натижасида ярим лабланган (ёки маълум миқдорда чўзиқликка эга бўлган) "а" (қаттиқ) вариантидан "о" фонемаси ўсиб чиқди. Бу фонеманинг "а" (қаттиқ) варианты эса олд қатор "а" (юмшоқ) билан конвергенцияга учраб, индифферент "а" фонемасини беради.

Демак, олинган лирик парчалардаги бир сўзларнинг икки варианты ана шу жараён билан боғлиқ экан. Шу жиҳатдан бундай шаклларни бемалол фонетик қонунят деб айтишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда, мумтоз шоирларимиз ижодида шундай фонетик кўринишлар борки, уларни фонетик бирлик сифатида эмас, балки лексик бирлик сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан,

Гавҳари ашкимни манъ айларга лаълин тишлади,
Зийнатафзо бўлди лаъли жонфизо **инжу** била. (Нишотий).

Етса торожи ҳаводис, жамъ **ўлуб** авбоша дер:
“Саҳмгин солиб сурон ур, молин олғил сортни”. (Турди).

Ғамингни нақдини жон жавҳарга сотқум йўқ,
Чекиб ҳазор жафо бир вафо ушотқум йўқ,
Ўзумни ҳеч амал айлабон юпотқум йўқ,
Бўлуб чу мори сияҳ чоқти ҳажр, ётқум йўқ,
Ҳамиша мунтазир **ўлуб** чу дом йиғлайман. (Хувайдо).

Эй кўнгул харобингга келса ёшурун дарди,
Воқиф **ўлмасун** мардум кўз уйида меҳмон қил. (Фазлий).

каби байтлардаги **инжу**, **ўл** сўзларида ҳеч қандай фонетик жараён – товуш тушуши, алмашиши ёки ўзгариши – мавжуд эмас. Чунки ўзбек тили қорлуқ, чигил, уйғур лаҳжаси (йироқ, йил, йиринг, йинжу), ўғуз лаҳжаси (ироқ, ил, иринг, инжу), қипчоқ лаҳжаси (жироқ, жил, жинжу, жўналиш) кўринишлари адабий тилимизда меъёрий шакл сифатида қўлланилади. Бундан ташқари бир лаҳжалар орасидаги айна бир сўзнинг турли кўринишлари фонетик шакл сифатида кўринади. Худди шундай фикрни **бўл-ўл** шакллари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бу ерда “бўл” шакли қорлуқча бўлса, “ўл” кўриниши ўғузчадир. Бундай айна бир маъноли сўзнинг икки кўринишини ёнма-ён қўлланилиши мумтоз адабиётимизда кўпинча аруз вазни ёхуд қофия талаби билан боғлиқ бўлган. Ишимизнинг кейинги боблари ана шу масалага бағишланади.

3.2. Давр асарларида қофия унсурлари

Қофия арабча сўз бўлиб, шеърда байт ёки мисралар охиридаги сўзнинг иккинчи байт ёки мисра охиридаги сўзга мос бўлишидир⁸⁸. Адабиётшунослигимизда қофия турлари атрофлича ўрганилган. Биз эса ўз тадқиқотимизда қофия унсурларининг фонетик қонунят сифатида қўлланганлиги борасида фикр юритамиз

Тақик қилаётган даврда ижод этган мумтоз шоирларимиз лирикасида қофиядош бўлиб келган икки сўздаги фонетик шакллар— хоҳ унли товуш, хоҳ ундош товуш бўлсин – қофиянинг тўлиқ (тўқ қофия) бўлиши учун ўз шакини ўзгартирганлигини кўрамыз.

Деди булбул ўшал дам: “шукр лиллаҳ,

Ки бўлдим гулистоним бирла *ҳамраҳ*” (Салоҳий).

Салоҳийнинг “Гул ва Булбул” асаридан олинган ушбу парчада *ҳамроҳ*⁸⁹ сўзи *ҳамраҳ* шаклида берилган. Бунга сабаб қофиянинг тўлиқ (тўқ қофия) бўлишига эришишдир. Яъни *ҳамроҳ* сўзи биринчи мисрадаги лиллаҳ сўзига тўлиқ қофияланиши учун *ҳамраҳ* кўринишида ишлатилган. Шунинг учун бу байтда қофиядош бўлиб келган *ҳамраҳ* сўзидаги а-о алмашинивуни фонетик ҳодиса сифатида эмас, балки фонетик қонунят сифатида шарҳлаш лозим. Чунки ижодкор мажбурят юзасидан шундай йўл тутган.

Ёр деманглар, дўстлар, эрур бу жонимға бало,

Бир қараб олди кўнгулни дилбари қоши **қаро**. (Ҳувайдо).

Ҳувайдо ғазалидан олинган ушбу матлада қофиядош бўлиб келган **қора**⁹⁰ сўзи олдинги мисрада қўлланилган **бало** сўзига тўла қофияланиши учун **қаро** тарзида ишлатилган. Шунинг учун бу сўздаги а-о унли фонемалари ўзаро ўрин алмашиш ёки товуш алмашиши ҳодиса юз

⁸⁸ Навоий асарлари луғати. –Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрети. 1972. 743 б.

⁸⁹ O‘zbek tilining krill va lotin alifbolaridagi imlo lug‘ati. Maxsus muharrir Karim Nazarov.–Т., 2002. 424 б.

⁹⁰ Кўрсатилган луғат. 406 б.

бермаган. Бу қофия талаби бўлганлиги учун фонетик қонунят сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда ҳозирги ўзбек шеваларида қаро-қора шаклида икки хил қўлланилишини ҳам кўришимиз мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда бу сўзнинг **қаро** кўриниши ўз даврида меъёр бўлгандир, деган хулоса қилиш мумкин. Бу фикрни текшириб кўриш учун шоир лирикасига яна бир бор мурожжат этамиз.

Минди бу **қора**, оқ буроқ устига умрум,

Илғоб борадур, турғоли ҳар они надам бор. (Ҳувайдо).

Кўриниб турибдики бу байтда биз таҳлил қилаётган сўз **қора** шаклида қўлланилган. Демак, мазкур сўзнинг шу шаклда қўлланилиши меъёр бўлган экан. Юқоридаги байтда эса, айтиб ўтганимиздек, қофия талаби билан ўзининг фонетик шаклини ўзгартирган ҳолда ишлатилган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **қора** сўзидаги а-о кўриниши бирор бир фонетик ҳодиса билан боғлиқ бўлмай, балки қофия талаби асосида шу кўринишда қўлланилган экан.

Кўзимда ашки ҳасрат, кўнглумда хори ғурбат,

Бошимға тушди кулфат, андоқ **ёғорки** борон. (Нишотий).

Келтирилган ушбу байтда қўлланилган **ёғар** сўзи **ёғор** шаклида ишлатилган. Сифатдош шаклини ҳосил қилувчи –ар кўшимчасининг –ор кўринишида қўлланилиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, мисралараро қофиянинг тўлиқ бўлишига эришиш учун ишлатилган. Бу ерда шоир бир томондан қофиянинг тўлиқ бўлишига эришган бўса, иккинчи томондан оҳангдорликни сақлаб қолган. Бунда шундай хулоса чиқариш мумкинки, ижодкор сўзнинг фонетик шаклларида ўзи истаганича, яъни хоҳлаган шаклида фойдалана олмас экан. Балки маълум бир қонун-қоидалар асосида иш кўрар экан. Шундай экан, лирик асарлада қўлланилган ана шундай фонетик кўринишларни фонетик ҳодиса сифатида эмас, фонетик қонунят жиҳатидан ўрганиш ва таҳлилу тавсиф этиш маъқулдир.

3.3. Давр лирикасида сингармонизм қонунияти.

Товушлар уйғунлиги (сингормонизм) – грекча *син* – ўхшаш ва *ҳармони* – оҳанг, деган маънони билдиради. Сингормонизм деб, сўзнинг ўзак ва қўшимчаларидаги товушларнинг ўзаро мослашиши, уйғунлашиши, бири-бирига ўхшаш бўлишига айтилади. Уйғунлик фонетик ҳодисалардан бири бўлган товушлар сингиши (ассимиляция)нинг бир туридир. Товушлар сингиши олдинга йўналган (регрессив ассимлияция) ва орқага йўналган (прогрессив ассимлияция) бўлиши мумкин. Олдинга йўналган сингишда кейинги товуш олдинги товушга таъсир этиб, уни ўзига мос, ўхшаш қилади (бирта–битта, шу ерда–шетта), бу ҳол нисбатан кам тарқалган. Кейинга йўналган сингишда олдинги товуш кейингиларни ўзига мослаштиради ва жуда кенг тарқалган. Товушлар уйғунлиги кейинга йўналган сингишнинг бир кўринишидир. Бунда олдинги (ўзакдаги) товушлар кейинги (қўшимчадаги)га таъсир этиб, ўзига мослаштиради. Товушлар уйғунлиги таъсири остида туркий тиллардаги ҳар бир қўшимча бир неча фонетик кўринишга эга бўлади. Улар *уйғунликнинг фонетик кўриниши* деб айтилади.

Олдинги унлиларнинг кейинги унлиларга, ундошларнинг ундошларга таъсирига кўра уйғунлик унлилар ва ундошлар уйғунликларига бўлинади.

Унлилар уйғунлиги деб сўзнинг ўзагидаги унли товушларнинг қўшимчадаги унли товушларни ўзига мослаштиришига айтилади. Унлилар уйғунлига тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Маълумки, унлилар уч белги (кенг-торлик, қаттиқ-юмшоқлик ва лабланган-лабланмаганлик) кўра тасниф қилинади. Ўзакдаги унли товушларнинг қўшимчадаги унли товушни ҳар уччала белги асосида омслаштириши *унлиларнинг тўлиқ* гармонияси дейилади. Унлиларнинг тўлиқ уйғунлигида ўзак ва қўшимчадаги унлилар тўла бир хил бўлади. Унлиларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тилларда жуда кам учрайди: *қўлдўр* (қирғизча) – қўллар.

Ўзакдаги унлиларнинг қўшимчадаги унлиларни баъзи белгиларига кўра ўзига мослаштириши унлиларнинг *тўлиқсиз уйғунлиги* дейилади. Ўзбек

тилининг турли тараққиёт давларида унлиларнинг тўлиқсиз уйғунлиги тарқалган. Ўзбек тили тарихида биз, асосан, *танглай* (бошқача номланиши *палатал-веляр*) ва *лаб* (бошқача номланиши *лабиал*) уйғунлигини учратамиз.

Ундошлар уйғунлиги ҳам тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади. Ундошларнинг тўлиқ уйғунлиги туркий тилларда йўқ ҳисобида. Ўзбек ва унга яқин бўлган уйғур тилларида ундошларнинг жарангли-жарангсизлик ва чуқур-саёз тил орқалик белгилари асосидаги уйғунликларини кўриш мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида унли ва ундошлар уйғунлиги фонетикамиз учун қатъий қонунят эмас, бу хусусияти билан ўзбек тили қолган барча туркий тиллардан ажралиб туради.

Танглай уйғунлиги. Сўзнинг ўзагида қаттиқ унли бўлса, қўшимчада ҳам қаттиқ унли, сўзнинг ўзагида юмшоқ унли келса, қўшимчада ҳам юмшоқ юмшоқ унли келиши *танглай уйғунлиги* дейилади. Танглай уйғунлиги – сўзнинг ўзак ва қўшимчаларида фақат қаттиқ , ё фақат юмшоқ унлиларнинг кела олиши – эски туркий ва эски ўзбек тилининг илк тараққиёт босқичларида қатъий қонуниятга айланган эди. Шунинг учун эски туркий тил ва эски ўзбек тилида ҳар бир қўшимчанинг камида икки уйғунлик кўриниши бўлган – қаттиқ унлили ва юмшоқ унлили кўринишлари.

Эски туркий тил ва эски ўзбек тилларида танглай уйғунлигининг қатъий қонуният сифатида мавжудлиги ва бу тилларда унли товушларнинг қаттиқ-юмшоқлигига бўлиниши бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ходисалардир. Танглай уйғунлиги қўшимчалар таркибидаги унли камида икки кўринишли – қаттиқ ёки юмшоқ унлили бўлиши талаб қилса, унлиларнинг фонологик системада қаттиқ-юмшоқлик билан фарқланиши бу талабни қондириш имкониятини беради. Шунинг учун эски туркий тилда сўзнинг ўзагида қаттиқ ёки юмшоқ унлининг келиши фонологик қимматга эга бўлиб, сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилса, қўшимчаларга унлининг қаттиқ ёки юмшоқлиги фонологик қимматга эга бўлмай, сўз ўзагидаги унлининг табиатига – унинг қаттиқ, юмшоқлигига боғлиқ бўлган.

Лаб уйғунлиги. Сўзнинг ўзагида лабланганлиги унлилардан бири келса, қўшимчадаги унли товушнинг ҳам ўзагидаги унли товушга мослашиб лабланишига, яъни қўшимча таркибида лабланган унли бўлишидир. Танглай уйғунлигидан фарқли ўлароқ, лаб уйғунлиги ўтмишдаги тиллар кенг тарқалмаган. Лаб уйғунлигига нисбатан қуйидаги чекланишлар мавжуд:

Биринчидан, кенг унлиларга эга бўлган қўшимчалар лаб уйғунлигига мутлақо бўйсунмайди. Шунинг учун лаб уйғунлиги фақат тор унлили қўшимчалардагина учрайди, чунки тор унлиларгина эски туркий тилда лабланган-лабланмаганлик билан фарқланувчи жуфтларни ҳосил қилади.

Иккинчидан, лаб уйғунлиги фақат ёпиқ (ундош билан тугаган) бўғинда юз беради.

Учинчидан, тор унлилар ҳар қандай қўшимчалар ҳам лаб уйғунлигига бўйсунмавермайди.

Лаб уйғунлиги эски туркий ва эски ўзбек тилларида қатъий қонуният бўлмаганлиги сабабли ёзма ёдгорликлар тилида ҳамма вақт ҳам унга риоя қилинавермайди.

Ундошлар уйғунлиги эски туркий ва эски ўзбек тилларида жарангли-жарангсиз жуфтлари бўлган ва қўшимчаларнинг бошида кела оладиган т-д, к-г, қ-ғ ундошлари билан бошланувчи қўшимчаларга алоқадордир. Ҳозирги тилимизда бўлганидек, т-д, к-г, қ-ғ қўшимчаларининг бошида келганида уларнинг жарангли ундоши д, г, ғ ли кўринишлари жарангли, сонор ёки унли товушлардан кейин, жарангсиз к, қ, т ли кўринишлари эса жарангсиз ундошлардан кейин келади.

XVII-XIXаср ёзма ёдгорликларида жарангли-жарангсизлик уйғунлиги ёзувда деярли сезилмайди. Ёзма ёдгорлик тилини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, туркий сўзларда унлиларнинг танглай уйғунлиги билан боғлиқ бўлган ўзак ва қўшимчаларнинг қаттиқ-юмшоқлик жиҳатидан мослашиши ундошларнинг жарангли-жарангсизлақ уйғунлигига кўра кенгроқ тарқалган ва кучлироқ таъсир кўрсатади.

Танглай, лаб ва ундошлар уйғунлиги ажралган ҳолда тавсиф этилмайди. Барча ҳолларда бу уч фонетик ҳодиса сўзнинг қўшимчалари таркибидаги унли ва ундошлар табиатини белгилашда бирданига таъсир этади. Улар қуйидаги уч омил асосида 1) ўзакнинг қаттиқ-юмшоқлиги; 2) ўзакдаги унлининг лабланган-лабланмаганлиги; 3) ўзакнинг жарангли-жарангсиз билан тугунганлиги каби хусусиятлар билан белгиланади⁹¹.

Биз тадқиқ қилаётган давр лирикасида ҳам юқорида баён этган сингармонизм ҳодисасини кўриш мумкин. Буни фонетик қонуният сифатида баҳолашни лозим топдик. Чунки булар исталган тазда эмас, балки маълум бир қонуният асосида иш кўради. Мисолларга мурожаат этамиз.

А) лаб гармонияси.

Тор **кўнгуллик** беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбак юртидур, тенглик қилинг. (Турди).
Қад букуб, **бўйнум** эгиб, тегди оёқларга бошим,
Аҳли дунё пойбўси хизмату таъзимидин. (Турди).
Макру таблис била зухду сафо пеш **тутуб**,
Маргдин беҳабару нашъу намо пеш **тутуб**,
Зарни жамъ айламага ҳирсу ҳаво пеш **тутуб**,
Ҳақ ишини **унутуб**, кори риё пеш **тутуб**,
Жой улдурки ҳама олами олғай қалмоқ. (Турди).
Ногаҳ **кўрубон** маҳви жамолинг бўлақолдим,
Ойдек **юзунга** боқтиму ҳайрон бўлақолдим. (Машраб).
Ташна лаб **ўлдум** ғамингда, меҳрибоним, қайдасан?
Оҳ **уруб** йиғлаб **юрубман**, жонажоним, қайдасан?
Изласам **йўқтур** маконинг ломаконим, қайдасан?
Барча сирримни билурсан, нуктадоним, қайдасан?
Юз туман савдоси тушти маслаҳатгў келмади. (Машраб).
Неча кун кетти булбул гул қошидин,

⁹¹ Неъматов Ҳ.Ғ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси.—Т., Ўқитувчи, 1992. 45-56 бетлар.

Тўқубон дурру маржон кўз ёшидин. (Салоҳий).
Кўзум ёши **қурумайду**р, равонду р кечаю кундуз,
 Оқар **кўксум** уза жори **бўлуб** чун чашмаи замзам. (Хувайдо).
 Ғамингни нақдини жон жавҳарға **сотқум** йўқ,
 Чекиб ҳазор жафо бир вафо **ушотқум** йўқ,
Ўзумни ҳеч амал айлабон **юпотқум** йўқ,
Бўлуб чу мори сияҳ чоқти ҳажр, **ётқум** йўқ,
 Ҳамиша мунтазир ўлуб чу дом йиғлайман. (Хувайдо).
 Баҳр кўрдум ҳуққада оқу қаро жонвор анга,
 Нул **уруб** бир-бир тугатти баҳри нав бунёдни. (Хувайдо).
Ўтуб ҳар ёнға юз минг шевау нозу адо бирла,
 Гаҳе **кўргузди** рухсорин, гаҳе илкин паноҳ этти. (Нишотий).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўзакда мавжуд бўлган лабланган унли фонемаларга қўшимчадаги унли фонемалар мослашган. Шу сабабли ҳозирги адабий тилимизда меъёр бўлган айрим бир қўшимчалар (кўз+им, бўл+иб...) ушбу даврда лаб уйғунлиги қонунияти асосида (кўз+ум, бўл+уб...) иш кўрган. Шу сабабли бундай ҳолатларни фонетик ҳодиса сифатида эмас, балки фонетик қонуният сифатида баҳолаш ўринлидир.

Б) танглай гармонияси.

Етса торожи ҳаводис, жамъ ўлуб авбоша дер:
 “Саҳмгин солиб сурон ур, молин олғил сортни”. (Турди).
 Сендин уммид (буким) ҳақ йўлиға юрғайсен,
 Аҳдинга росих ўлиб, бир сўзинга турғайсен. (Турди).
 Ёр жилва била боқти руҳу жон бўлди кабоб,
 Ушбу ҳодисни бошиға солмағайди кошки. (Машраб).
 Агар ошиғлиғим айтсам куюб жону жаҳон ўртар,
 Бу ишқ сиррин баён қилсам тақи ул хонумон ўртар. (Машраб).
 Деди рақиблар ёрға монлаб,
 Солди жудолиғ найлай ароға. (Хувайдо).

Раҳм айласангчи девоналарға,
Ишқингда бўлган афсоналарға. (Хувайдо).
Хукамо ишқ маризға буюрмиш майи ноб,
Ҳажр дардиғадемишлар бу муфарриҳни даво. (Нодира).
Юзин кўргач бошиға эвурурлар жон ила кўнглум,
Ики парвонадекким айланур тинмай чароғ узра. (Огаҳий).
Сенинг ҳуснинг киби зулфинг ила наззора кўрган йўқ,
На кокил шом зангинда, на ораз субҳ руминда. (Ҳозик).
Агар булбул чаман саҳнида юз йил навҳа тортаркан,
Эмастур бир нафас мен бенаво чеккан фигондин кўп. (Жоний).
Жамъ этиб ўтлуғ кўнгулларни муқайяд айладинг,
Ҳалқайи зулфи паришонинг керакмасму санга? (Мунис).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, танглай уйғунлиги асосида сўзларга қушимчаларнинг қатъий шакллари қушилган. Яъни ўзакда қаттиқ фонемалар қўлланилган бўлса, қўшимчанинг ҳам қаттиқ варианты қулланилган. Бундан шундай хулоса қила оламизки, танглай гармониясида ҳар бир ўзакка қўшиладиган қўшимча ўша ўзакнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда қўлланилар экан. Соддароқ қилиб айтганда, ўзакдаги қаттиқ товушлар қўшимчада ҳам қаттиқ товушлар бўлишини талаб қилар экан. Ёки аксинча, ўзакдаги юмшоқ фонемалар қўшимчадаги товушларни ҳам юмшоқ бўлишини тақазо этади. Шу сабабли бундай шаклларни ҳам фонетик қонуният сифатида баҳолаш лозим бўлади.

В) Жарангли\жарангсизлик гармонияси.

Хуш замонлар Юз қазони бошида саржуш эдим,
Бу замон явғон қозон остида қолғон **юндиман**. (Турди).
Тушубдур бошима савдо, русум и ишқдин ғавғо,
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?
Турарға тоқатим йўқтур, юрарға ҳолатим йўқтур,
Юракда ишқ ўти кўптур, мени йўқлар кишим борму? (Машраб).

Агар ошиғ**лиғим** айтсам куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам тақи ул хонумон ўртар. (Машраб).
Ўтуб ҳар ёнға юз минг шевау нозу адо бирла,
Гаҳе кўргузди рухсорин, гаҳе илкин паноҳ эт**ти**. (Нишотий).
Агар булбул чаман саҳнида юз йил навҳа тортар**кан**,
Эмастур бир нафас мен бенаво чек**кан** фиғондин кўп. (Жоний).
Юзин кўрг**ач** боши**ға** эвурурлар жон ила кўнглум,
Ики парвонадек**ким** айланур тинмай чароғ узра. (Огаҳий).
Туъма учун шому саҳар нолишим,
Тифл каби **бармоғи** сўрмоқ ишим. (Нишотий).
Баҳр кўрдум ҳуққада оқу қаро жонвор анга,
Нул уруб бир-бир тугат**ти** баҳри нав бунёдни. (Хувайдо).

Мисоллардан кўриниб турибдики, ўзакнинг қайси товуш билан тугашига қараб қўшимча ҳам ўша товуш билан бошланишини талаб қилмоқда. Сигормонизм қонунига мувофиқ ўзак жарангли ёки унли товуш билан тугаса, қўшимча ҳам жарангли товуш билан бошланиши шарт. Агар ўзак жарангсиз фонема билан тугаса қўшимча ҳам жарангсиз ундош билан бошланиши лозим. Бундан шундай хулоса қила оламизки, ушбу ҳолатни ҳам фонетик қонунят сифатида баҳолаш лозимдир.

3.4. Аруз вазни талаблари.

Мумтоз адабиётимизда энг кўп ва фаол қўлланилган вазн – аруз вазнидир. Аруз вазни араб адабиёти вазни бўлиб, унинг ўзига хос талаблари борки, албатта, бу туркий бармоқ вазнидин кескин фарқланиб туради. Аруз вазнининг ўзига хослиги ўзбек мумтоз ижодкорларимиз ва ҳозирги давр адабиётшуносларимиз ўз тадқиқотларида бу таъкидлаганлар. Яъни вазнда байтлардаги бўғинлар сони билан эмас, балки оҳанг етакчилик қилади. Шунинг учун у туркий бармоқ вазнидан кескин фарқ қилади. Шу сабабли аруз вазнидаги айрим бир фонетик кўринишлар фонетик қонунят шаклида

юзага келади. Биз тадқиқ қилаётган давр лирикасида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин.

Оқ юзунгда холу хат кўз кўрмагайди кошки,

Кўнглима юз доғи алам қўймагайди кошки. (Машраб).

Бобораҳим Машраб лирикасидан олинган ушбу байт арузнинг рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган. Бунда рукндаги иккинчи ҳижо қисқа бўлиши талаб этилади. Шу сабали **кўнглимга** сўзи **кўнг-ли-ма** кўринишида битилган. Бордию меъёрий кўнг-лим-га шаклида акс этганда эди иккинчи ҳижо чўзиқ бўлиб баҳрга путр етар эди.

Қаю тил бирла, эй жонон, **сени** васфинг баён айлай,

Тилим лолу кўзум гирён, сўнгаларим ниҳон ўртар. (Машраб)

Машрабнинг машҳур ғазалидан олинган байт ҳазажи мусаммани солим баҳрида битилган. Бу байтдаги ҳар бир рукннинг биринчи ҳижоси қисқа ва қолган ҳижолари чўзиқ бўлиши шарт:

Қа ю тил бир\ла, эй жо нон,\ **се ни** вас финг\ ба ён ай лай,\

Ти лим ло лу\ кў зум гир ён,\ сў нгак ла рим\ ни ҳон ўр тар.\

Ажратиб кўрсатилган сўзлар меъёрий (қарлуқ лаҳжаси) шаклида – **қайси, сенни** – ёзилганда эди рукнга путр етиб, аниқроғи ҳар тўрт ҳижо чўзиқ бўлиб, баҳр бузилган бўларди.

Шу ерда кишилик олмошларга кўшилган тушум ва қаратқич келишиги кўшимчалари ҳақида мулоҳаза. Кўпчилик илмий адабиётларда **мен, сен** кишилик олмошлариги тушум ва қаратқич келишиги кўшимчаси кўшилганда ё ўзакдан, ё кўшимчадан бир ундош фонема (н) тушуб қолиши айтилади. Аслида ҳеч қандай товуш тушуши йўқ. Балки шу олмошларга ўғуз лаҳжаси шакли бўлган –**и** кўшимчаси кўшилади. Шу боис таҳлил қилинаётган байтда ҳам ҳеч қандай фонетик ҳодиса юз бермаган, фақат сўзга (сен) ўғуз лаҳжаси кўшимчаси (-и) кўшилган, холос.

Наманган шахридин кетсам, **мени** йўқлар кишим борму?

Ғариблик шахрида ўлсам, **мени** йўқлар кишим борму? (Машраб).

Сани илгингдин, эй дилбар, муҳаббат жомини ичсам,
Ўшал кундин бери билмай ўзум мастоналар бўлдум. (Хувайдо).

Ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган ушбу байтларга ҳам юқоридаги байт ҳақида айтган фикрларимиз тегишлидир.

Макру таблис била зухду сафо пеш тутуб,
Маргдин беҳабару нашъу намо пеш тутуб,
Зарни жамъ айламага хирсу ҳаво пеш тутуб,
Ҳақ ишини унутуб, кори риё пеш тутуб,
Жой улдурки **ҳама** олами олғай қалмоқ. (Турди).

Турдининг Субхонкулихон тўғрисидаги ҳажвида олинган ушбу парча рамали мусаммани сарду зарб (-v--\-v--\-v--\--\) баҳрида ёзилган бўлиб, рукнларининг иккинчи ҳижоси қисқа бўлишини талаб этади. Шу сабабли олтинчи рукннинг иккинчи ҳижоси (-ки ҳа ма о) қисқа бўлиши шарт. Буни амалга ошириш учун **ҳамма** сўзини **ҳама** кўринишида ёзилишини таказо этган.

Гулистон ичра ногаҳ кирди булбул,
Тикан бирла **икавлон** ўлтуруб гул. (Салоҳий).

Салоҳий ғазалидан олинган ушуб байт ҳазажи мусаддаси маҳзуф баҳрида бўлганлиги учун биринчи ҳижолар қисқа бўлиши шартдир. Шунинг учун бу байтнинг бешинчи рукннинг биринчи ҳижоси қисқа бўлиши учун (и кав лон ўл) **икков** сўзи **икав** кўринишида қўлланилган.

Бир бузуқ вайронадир ул уйдаким ёр **ўлмаса**,
Ёр ила обод эрур ул уйда ағёр **ўлмаса**. (Хувайдо).

Келтирилган байт рамали мусаммани маҳзуф тармоғида ёзилган бўлиб, 3-рукннинг 4-ҳижоси ва 6-рукннинг 4-ҳижоси ўта чўзиқдир. Ана шу ўта чўзиқ ҳижони оддий чўзиқ ҳижога айлантириш учун **ўл** (уй да ким ё\ рўл ма са) қўлланилган. Бу сўзда (ўл) ҳеч қандай товуш тушуши бўлмай, фақатгина унинг туркий тилларнинг ғарбий гуруҳига оид шакли қўлланилган.

Қаю ошиқ топарға матлабин пур иштиёқ **ўлса**,

Суруру айшу роҳат кўнгли мулкидин йироқ ўлса,

Фигони боиси бир моҳталъат симсоқ ўлса,

Агар кўнглида бир гул хажридин хору фроқ ўлса,

Баҳона йиғламоқға бир неча жоми алам чекти. (Киромий).

Киромий лирикасининг ажойиб намунаси бўлган ушбу мухаммас ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган бўлиб, Хувайдо ғазали борасида айтган фикрларимиз тўлалигича бу мухаммасга ҳам тегишлидир.

Неча қилиб анинг ила жаҳду жид,

Лек **бизинг** бахтимиз ўлмай мумид. (Нишотий).

Нишотий ғазалидан олинган бу байт арузнинг мутадорики мусаммани маҳзуф (-v-\-v-\-v-\-v-) тармоғида ёзилган. Ушбу байтда 5-рукндаги 2-ҳижонинг қисқалигини таъминлаш мақсадида *бизинг* кўриниши қўлланилган. Шу ўринда унинг меъёрий қарлуқча варианты бўлган *бизнинг* шакли ишлатилганда эди, 5-рукндаги барча ҳижолар чўзиқ бўлиб, вазн бузулар эди. Бу эса аруз вазнига хилофдир.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, аруз вазни талаби асосида қўлланилган фонетик шаклларни фонетик қонунят сифатида баҳолашга тўла ҳақлимиз. Чунки бундай фонетик шакллар аруз вазни талаби асосида қўлланилган ва уни фонетик ҳодисаларга ҳеч қандай даҳли йўқ. Бундай шакллар зоҳиран фонетик ҳодиса сифатида кўринсада, берилган таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, моҳиятан фонетик қонунятдир.

3.5. Пайравлик.

Тадқиқ қилинаётган давр адабий тили қатъий меъёрлар асосида иш кўрар эди. Ишимизнинг иккинчи бобида айтиб ўтганимиздек, Мир Алишер асарлари тили адабий қолип, мезон эди. Бундан ташқари Озарбажон шоири Фузулийга пайравлик қилиш, Фузулиёна ижод қилиш (айниқса Қўқон адабий муҳитида) анча оммалашган эди.

Маълумки, назира боғланаётган асарнинг услубини сақлаб қолиш учун ҳам ғайрилисоний шакллар ифодаланилади. Алабатта, бунда сўзларнинг фонетик кўриниши жихатидан ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Аммо бу ўзгариш (тақлидчилик бўлмаса албатта) фонетик ҳодиса сифатида эмас, балки фонетик қонунят шаклида баҳоланиши лозим деб ҳисоблаймиз. Қуйида ана шу масала шарҳига ўтамиз.

Кўрдум юзунгни тоқат ила сабр манда йўқ,
Гул ғунчасида ларларинг оллида ханда йўқ,
Сендек нигори сийм бадан ҳеч **қанда** йўқ,
Нордек яноқларинг киби шамъ анжуманда йўқ,
Сарви қадинг менга не санубар чанманда йўқ. (Амир).

Амир Умархоннинг Лутфий ғазалига битилган ушбу мухаммасида қўлланилган *қанда* сўзининг меърий шакли *қайда* кўринишига эга. Аммо пайравлик қоидасига мувофиқ назира боғланаётган лирик асарнинг оҳанги, вазни ва қофияси сақланиб қолиши керак. Шу сабабли ушбу мухаммасда Лутфий услубини сақлаб қолиш мақсадида Амир *қанда* шаклини қўллаган. Тўғри, бир кўринишда ушбу шакл фонетик ҳодиса сифатида шарҳланишни тақазо этади. Аммо, айтиб ўтганимиздек, назира боғланаётган ғазал оҳанги сақланиб қолиши шарт. Шу сабабли бу ерда фонетик ҳодиса эмас, балки фонетик қонунят ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир мисол:

Неча васфинг боғида тўти мисол **ўлсун** тилим,
Лаъли нобинг шарҳида ширин мақол **ўлсун** тилим,
Ўзгалар ҳарфини иншо қилса нол **ўлсун** тилим,
Ғайр зикрин ошқоро қилса лол **ўлсун** тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкор айласа. (Амир).

Амирнинг Навоий ғазалига боғланган мухаммасида асл матннинг оҳанги, услубини сақлаб қолиш учун шоир **ўл** шаклини қўллаган. Чунки аслятда (Навоий ғазалида) **ўл** кўриниши ўзидан олдинги ўта чўзиқ хижони

(қил-са-ло-лўл) оддий чўзиқ ҳижога айлантириш учун қўлланилган. Шу сабабли Амир ҳам шу оҳангни (вазни) сақлаб қолган.

Кўнгул мажнунинг **ўлди** ишқ журми бирла ўлдирма,

Банимдек мубталодин жавр таркини раво кўрма,

Рақиби рўсияҳ бирла даме ўлтурмаву **дурма**,

Лабинг сиррин чекиб гуфтора бандан ўзгадан сўрма.

Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор уландан сўр. (Амир).

Фузулий ғазалига боғланган бу мухаммасда, юқорида айтиб ўтганимиздек, аслият (Фузулий) услубини, вазни ва оҳангни сақлаш мақсадида *ўл*, *бан*, *дур* каби сўз шакллари қўллаган. Назирачилик қонун-қоидасига риоя қилган ҳолда ушбу сўзларнинг меъёрий шакллари (бўл, мен, тур) қўллай олмайди.

Билдимки чарх толиби аслу-насаб **дагил**,

Афғону нолишим ҳама дам бесабаб **дагил**,

Кўнглум ҳамиша мойили завқу—тараб **дагил**,

Жону дилим муродина еттим ажаб дагил,

Бир бандаамки даргоҳи султона етмишам. (Ғозий).

Ғозийнинг Фузулий ғазалига боғлаган мухаммасида, Амир мухаммаси каби, оҳанг, вазн ва услубни сақлаб қолиши учун далил варианти қўлланилган.

Токи ҳар девони таҳрир айлади ғам қиссасин,

Дарж қилди дафтари кўнглида боби ғуссасин,

Гарчи кўрмай қол**мишам** ушшоқ жисми жуссасин,

Кўп ўқудум вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,

Ўз сўзумдин булғажаброқ достоне топмадим. (Обид).

Мужрим Обиднинг Навоий ғазалига боғлаган бу мухаммасида аслият, яъни Мир Алишер Навоий ғазали вазни ва оҳангни сақлаб қолиш учун — *мишам* морфологик қўшимчани қўллаган. Агар шу ўринда —*майман* морфологик шакл қўлланилганда эди, вазн ва оҳангга жиддий салбий таъсир

кўрсатган бўларди. Шу сабабли назира боғланаётган ғазал вазни, услуби ва албатта мазмуну оҳанги сақланиши лозим.

Тонг **дагил** булбул агар тутса гулистонни азиз,
Дўгулуб гули ҳумро қилса бу бўстонни азиз,
Жоний, ҳоқонлар аро беклади султонни азиз,
Эй Фузулий, нўла гар сахлар эсанг жонни азиз,
Вақт ўла ким ўла бир шўхи ситамгора фидо. (Жоний).

Жонийнинг Фузулий ғазалига мухаммаси ҳам, юкорида баён қилганимиздек, Фузулий оҳангини ва услубини тўлалигича сақлаш учун *дагил, дўгулмоқ* шакллари ишлатилган.

Ораз ўлди зард, тарк эт гулжабинлар суҳбатин,
Қомат ўлди ҳам унутғил сарв қадлар қоматин,
Огаҳийдек тинмайин ахтарма дунё ишратин,
Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қарилиғ меҳнатин,
Ким уигитлик борди айшу ишрат айёми била. (Огаҳий).

Огаҳийнинг Навоий ғазалига боғлаган ушбу мухаммасида ўл шакли аслият вазни сақлаш учун қўлланилган.

Баён этилган фикрлардан хулоса қила оламизки, назирачилик (маснавий болғлаш) билан боғлиқ бўлган сўзлардаги фонетик жараёнлар фонетик ходиса бўлмай, балки фонетик қонунятдир. Яъни сўзнинг ана шу шаклидаги фонетик кўринишлари маълум бир талаблар, қонун-қоидалар асосида ишлатилар экан.

Умумий хулосалар

XVII-XIX аср ўзбек адабиёти жуда мураккаб давр босиб ўтди. Бу даврда бир умумийликка эга бўлган Туркистон ўлкаси уч сиёсий тузумга эга бўлган мустақил давлатга – Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига – ажралган эди.

Бу давр назмий асарлари тили фонетикаси икки тушунча – фонетик ҳодиса ва фонетик қонуният – остида бирлаштирилди.

Фонетик ҳодиса – давр назмий асарлари тилида учрайдиган турли товуш ўзгаришлари (товуш алмашинуви, товуш тушиши, товушларнинг ўрин алмашуви) ва тақлидчилик (назира боғлаш) ҳодисасидир.

Жумладан, ўзаро қардош тилларни (чунончи, туркий тиллар ёки ўзбек лаҳжалари) қиёслаганда, бир тилдаги маълум бир ўзакдаги товушларнинг иккинчи бир тилда бошқа товуш билан алмашишига товуш алмашиши дейилади: *йироқ-жироқ-ироқ, йуз-жуз-уз, йулдуз-жулдуз-улдуз*. Туркий тилларнинг типологик хусусиятига кўра адабий меъёр қарлуқ-чигил лаҳжаси сўз бойлиги ҳисобланган *йироқ* (йуз, йулдуз) шаклидир. Демак, шу сўзнинг бошқа лаҳжадаги вариантлари (*жироқ, жуз, жулдуз, ироқ, уз, улдуз*) номеъёрий шакл саналади.

Фонетик қонуният – бир сўзнинг икки лаҳжадаги кўриниши ёки икки бутунлик, системасидир. Бу тушунча остида сингормонизм, аруз вазни талаби, қофия, изофа ва пайравликлар бирлаштирилди.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулосага келинди:

– XVII-XIX аср ижтимоий-сиёсий воқеаларининг ўзбек тилига таъсири масалалари ўрганилди;

– XVII-XIX асрларда яратилган назмий асарларни фонетик хусусиятига кўра таснифланди ва лингвопоэтик аспектда таҳлил этилди;

– ўрганилаётган даврда яратилган ёзма ёдгорликлар фонетик хусусияти, бадиий-эстетик функцияси тилшуносликнинг замонавий методлари асосида таҳлил этилди;

– бу давр фонетикасини яхлитликда олиш, уларнинг таҳлили фонетик ҳодисалар ва фонетик қонуниятлар сифатида иккига бўлиб ўрганишга эришилди;

– Тадқиқот объекти бўлган давр назми фонетикасида ўзига хос бадиий тасвир ва ифода воситаларининг манбалари топилгани, бу хазина вазифасини аруз, қофия, бадиий санъатлари бажаргани таҳлил қилинди.

Фонетик ҳодисаларнинг ҳосил бўлиш йўлларида бири турли туркий лаҳжаларнинг қоришуви бўлиб, булар фонетик қонуниятларни ҳам ҳосил қилган. Шу билан бирга, қуйидаги тушунчаларга:

а) фонетик ҳодиса ва фонетик қонуниятлар ўзаро ўхшашлиги;

б) фонетик ҳодиса ёки фонетик қонуниятларнинг ҳосил бўлишига турли лаҳжаларнинг қоришуви сабаб бўла олиши;

в) фонетик зарурат ва фонетик ҳолатни ўзаро фарқлаш;

в) мактаб дарсликларида мазкур масалаларни қай тарзда берилиши ва унинг ўқувчиларга етказилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари . -Т.: Ўзбекистон, 1997. 137 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 176 б.
- 3.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. ЎЗР Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 29 август. – Тошкент, 1997.
4. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар): Филол. фан. док... дисс. –Т., 1999. –Б. 28-41.

II. Илмий адабиётлар

5. Абдуазизов А.А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. 287 б.
6. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши.-Т.: Фан, 1983. 208 б.
7. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2- китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1980. 578 б.
8. Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатлами: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1997;
9. Адизова Н. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. –Т.: Ўзбекистон, 1995;
10. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: Шарқ. 2001. 280 б.
11. Аллаёрова Н. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-жизин» асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти: Филол. фан. ном... дис.автореф. –С.: 2002. – Б.17-20
12. Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. Қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1983. 139 б.
13. Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. II-қисм. - Т., 1983. –66 б.

14. Амиркулов С. Чунайдулло Ҳозиқ ва достони «Юсуф ва Зулайҳо». – Душанбе, 1967. 276 бет
15. Ахманова О.С. Фонология. Морфология. Морфонология. –М.: Изд. МГУ, 1966. 322 б.
16. Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навоий: Автореф. дисс. ... докт. филол.наук. - Т., 1989;
17. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Т.2. часть 1. –М.: Изд.вост.лост.лит., 1963;
18. Бартольд В.В. Новый источник по истории Хоразма. Сочинения: Работы по источниковедению. Т.8. –М.: Изд. Вост.лит., 1973
19. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1988.304 б.
20. Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холмонова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Т.: Фан., 2007, 118 б.
21. Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиши жараёни. (19 аср бошлари). Фил.ф.номзоди диссертация. Т., 1994.
22. Жумаев Т. “Умар Боқий” асарларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т., 1998.
23. Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“Девон”, “Мубаййин”, “Аруз”): Филол. фан. док. ... автореф. – Т., 2008
24. Исҳоқов Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. –Т.: Фан, Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 1976.
25. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Т., 2002. 124-б.
26. Ҳусанов Н. XV аср ўзбек адабий ёдгорликларидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. –Т., 2000;
27. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. Самарқанд, 1994. 57 б.

28. Кононов А.Н. Сочинения Абу-л-Гази хана хивинского, как источники туркмен и как памятник узбекской литературы и языка // Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня 1957 года. - Т., 1958. –С.906-911;
29. Турсунов У. Ўринбоев Б, Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. 351 б.
30. Тўйчибоев Б. Ўзбек тили тарихий фонетикаси.–Т., Ўқитувчи. 1990.
31. Фузулий. Машраб. Ахтариб келдим сени. (Тўпловчи ва сўз боши муаллифи Э.Очилов). –Т.: Ўзбекистон, 2013. 216 б.
32. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. –Т.:Фан, 1977. 234 б.;
33. Мамадалиева Н. Абулғозий Баҳодурхон “Шажарайи турк” асарининг лексик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. – Т.: Фан, 1996.
34. Маллаев. Н. Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1964. 590 б.
35. Мамадалиев Х. “Ғиёс-ул-лугат” ва ундаги туркий қатлам: Филол. фан. ном. ... автореф. – Т., 1998;
36. Mengliyev B.R. Hozirgi o`zbek adabiy tili. Fonetika-fonologiya. Grafika. Imlo. Т.: Fan, 1995. 210 b.
37. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т.: Фан, 1960. 342 б.
38. Муродов А. Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихидан. –Т.:Фан, 1971. 231 б.
39. Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. –Т.,
40. Мухторова Х. Маъданнинг ҳаёти ва адабий мероси: Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 1969.
41. Назарова Ҳ. «Зарбулмасал»нинг баъзи бир лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –Тошкент, 1959. –№ 2. –Б. 66-71.;

42. Назарова Х. «Зарбулмасал»да қўлланган кўчирма гаплар ва уларнинг турлари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –Тошкент, 1959. –№ 2. –Б. 63-66.;
43. Неъматов Х.Ғ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. 128 б.
44. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти асарлари. 12-чиқариш. –Тошкент, 1959. –Б. 87-99;
45. Қодирова М. Нодира биографиясининг баъзи масалаларига доир. Ўзбек маданияти. 1959 йил 17 июль;
46. Қодирова М.Нодира ҳаёти ва ижоди // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1959. – № 11;
47. Қодирова М.Нодиранинг тожик тилидаги шеърлари // Тил ва адабиёти масалалари. –Тошкент, 1960. – № 5; Она же. Поэтесса Надира // Звезда Востока. –Тошкент, 1962. – № 5;
48. Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. ном. ... дис. –Т, 1961.;
49. Қодирова. Нодира ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фан, 1965.;
50. Кадырова. Надира (Очерки и творчества). – Т.: Фан, 1967.;
51. Қодирова М. 19 аср ўзбек адабиётида инсон ва халқ тақдири (ўзбек шоирлари ижоди мисолида): Филол.фан.доктор.... дис. –Т, 1975.;
52. Қодирова М. Нодиранинг янги ўзбекча девони. Ўзбек тили ва адабиёти. 1963,
53. Қодирова М. Давр Нодираси, Т.: Шарқ, 1991. 180 б.
54. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т.: Ўқитувчи, 1977. 132 б.
55. Рустамова С. Маҳмуд Кошғарий луғатининг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 1999;
56. Рустамов М. Гадоий девони тилининг лексикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Т., 1989

57. Сувонкулов И. Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари: Филол.фан.док. ... дис. автореф. –Т., 1997. –Б. 8.
58. Тожихўжаев М. Бобораҳим Машрабнинг Европадги мухлислари // Адабиёт кўзгуси. –Т.: Ўқитувчи, 2000. –№ 5. –Б. 177.
59. Турдибеков М.Т. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараий турк” асари ономастикаси: Филол. фан. ном. диссер. –Т., 2000;
60. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А.Ю. Ўзбек адабий тили тарихи. Дарслик. –Т. –Б.165-168.;
61. Умаров Э. “Бадаи-ал-лугат” и “Санглах” как лексикографический памятник и источники изучения староузбекского языка XV-XVIII в.в.: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Т., 1989;
62. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. –Т.: Фан., 2007. 120 б.
63. Шоабраҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. –Т.: Ўқитувчи, 1980. 322 б.
64. Шодиев Э. Ҳозиқ куллиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1971. – № 2.;
65. Шодиев Э. Ҳозиқ ҳақида янги маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент, 1972. –№ 1.
66. Юнусов М. Мунис шеърятти // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1978. – №6. –Б. 48-54.
67. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро, 1999. 298 б.
68. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.:Ўқитувчи, 1997.
69. Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси (маъно, образ, истилоҳ маъносида): Филол. фан.номз. ... дис. –Т., 2004. –Б. 4.
70. Ҳасанов С. Муниснинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. –Т.: Ўзбекистон, 1979;
71. Leksikologiya-semasiologiya. Leksikografiya. I qism. Qarshi. 2004.
72. O‘zbek tilining kirill va lotin alifbolaridagi imlo lug‘ati.–Т.: Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahriryati. 2012, 314 b.

73. Ўзбек тили морфем луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1977. 464 б.
74. Ўзбек адабиёти Тўрт томлик. Учинчи том. –Т., ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959. 804 б.
75. Ўзбек шоирлари. Т.Жалилов томонидан нашрга тайёрланган шеърлар тўплами . –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980

Бадий адабиётлар

76. Boborahim Mashrab. Dilim daryoi nurdur. Tanlangan she'rlar. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. –Т.: Sharq, 2004. 254 b.
77. Гулханий. Зарбулмасал ва ғазаллар. –Т.: Ўзадабийнашр, 1958;
78. Махмур. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1951;
79. Мужрим – Обид. Ғазаллар / Нашрга тайёрловчи Р.Комилов. –Т.: Ўздавнашр, 1960;
80. Мужрим –Обид. Рубоий ва қитъалар / Нашрга тайёрловчи Эшмонов Ғ. –Т.: Босқон, 1996. -34 б.
81. Мунис. Девон. Сайланма. –Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980;
82. Нишотий Ҳусн ва дил. Лирика. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967. 344 б.
83. Нодира. Асарлар. 2 жилд. – Т.: Ўз ФА нашриёти, 1958.
84. Нодир. Ҳафт гулшан. – Т.: Ўз ФА нашриёти, 1961.
85. Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1-жилд. Т.: Ўз ФА нашриёти, 1971; II-жилд, Т.: Ўз ФА нашриёти,1972.
86. Роқим. Танланган асарлар. –Т.: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1965.
87. Увайсий. Девон. – Т.: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963.
88. Хувайдо. Танланган асарлар, Тошкент, Ўз ФА нашриёти, 1961.
89. Маҳзуна. Ўзбек поэзиясининг антологияси. –Тошкент, Ўз ФА нашриёти,1948. 3-китоб.
90. А.Қаюмов. Ғозий. –Т.: Ўз ФА нашриёти, 1959.

Интернет саҳифалари

91. [http:// www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
92. <http:// www. Adabiyot.uz>
93. [http:// www.samdu.uz.](http:// www.samdu.uz)
94. <http:// www. xorazmmoi.uzedu.uz>
95. [http:// www.kitob.uz](http:// <u>www.kitob.uz</u>)
96. <http:// www.onatili.uz>